Ватанни севмак иймондандур!

Ўзбекистон овози

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1995 йил 30 сентябрь, шанба. №120 (21.883). Сотувда эркин нархда.

РЕСПУБЛИКА ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ХОДИМЛАРИГА

Азиз муаллимлар, муҳтарам устозлар!

Сизларни касб байрамингиз — Халқ таълими ходимлари куни билан чин қалбимдан муборакбод этаман.

Муаллимлик касби — улуғ ва мўътабар касбдирки, уни ҳар қанча шарафласак ҳам озлик қилади. Муаллимлик касби муҳим давлат аҳамиятига молик. Негаки, муҳтарам маориф аҳли, Ватан фарзандларининг нечоғли фозил, билимли, тарбияли ва уқувли, ватанпарвар бўлиб вояга етишлари сизнинг маҳоратингиз ва масъулиятингизга боғлиқдир.

Дунёга энди кўз очган кичик инсонга халқимиз тарихи, унинг қудратли маънавий-маърифий салоҳиятини ва уларга уйғун ҳолда умуминсоний қадриятларни англатиш бахти айни сизларга насиб этган.

Биз сизларнинг меҳнатингиз ва иқтидорингизни, ғайратингиз ҳамда шижоатингизни яхши англаймиз, юксак даражада қадрлаймиз. Янги замон, мустақиллик ва истиқлол замони сизларнинг зиммангизга буюк истиқбол қурувчиларининг янги-янги авлодларини, элу юртига содиқ, муқаддас заминимиз гуллаб-яшнаши учун бутун борлиғини фидо этишга ҳам тайёр инсонларни тарбиялаш, уларни Ватан хизматига сафарбар этишдек ғоят масъулиятли ва шарафли вазифани юклайди.

Ана шу эзгу мақсад йўлида барчангизга сиҳат-саломатлик, оилавий бахт, улкан муваффақиятлар тилайман. Ҳамиша изланувчанлик, матонат, фидоийлик сизларнинг ҳамроҳингиз бўлсин!

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом КАРИМОВ.

ЯПОНИЯ ПАРЛАМЕНТИ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

Президент Ислом Каримов 28 сентябрь куни Япония парламентининг Ўзбекистон ва Япония ўртасидаги дўстлик уюшмаси раиси жаноб Х. Кумагаи раҳбарлигидаги делегацияни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари делегация аъзоларига икки мамлакат ўртасидаги иқтисодий алоқаларнинг тобора ривожланиб бораётганини қайд этар экан, Ўзбекистон ва Япония парламентлари, шунингдек, Ўзбекистон-Япония ҳамда Япония-Ўзбекистон иқтисодий ҳамкорлик бўйича қўмиталари бу ишга муносиб ҳисса қўшаётганини таъкидлади.

Жаноб Х. Кумагаи самимий қабул учун Ўзбекистон раҳбарига миннатдорлик билдирди. У ўзи раҳбарлик қилаётган уюшма икки мамлакат ўртасидаги дўстона муносабатларни янада мустаҳкамлаш йўлида фаолият кўрсатишини таъкидлади.

СУРАТДА: қабул пайти. Р.ШАГАЕВ (ЎзА) тасвирга олган.

Қабул маросимида Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири А. Комилов иштирок этди.

Учрашувда Японияниинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Укеру Магосаки ҳозир бўлди.

(ЎзА).

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори

МУДДАТЛИ ҲАРБИЙ ВА МУҚОБИЛ ХИЗМАТНИНГ БЕЛГИЛАНГАН МУДДАТЛАРИНИ ЎТАБ БЎЛГАН ШАХСЛАРНИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАР, ЧЕГАРА ВА ИЧКИ ҚЎШИНЛАР САФЛАРИДАН ЗАҲИРАГА БЎШАТИШ ВА ФУҚАРОЛАРНИ МУДДАТЛИ ҲАРБИЙ ВА МУҚОБИЛ ХИЗМАТГА НАВБАТДАГИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

«Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида» ва «Муқобил хизмат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Муддатли ҳарбий ва муқобил хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган шахслар Ўзбекистон Республикасининг Қуролли Кучлари, чегара ва ички қўшинлари сафларидан заҳирага бўшатилсин.

2. 1968-1977 йилларда туғилган, чақириқ муддатини узайтириш ҳуқуқига эга бўлмаган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари 1995 йилнинг октябрь-ноябрь ойларида муддатли ҳарбий ва муқобил хизматга чақирилсин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1995 йил 28 сентябрь.

ТАЪЗИМ СИЗГА, УСТОЗ МУАЛЛИМ

Муаллим... Бу сўзни тилга олганимизда кўз олдимизда эндигина мактаб остонасига қадам қўйган ёшлар қалбига зиё бахш этувчи; уларга тарбия ва таълим берувчи меҳрибон устоз намоён бўлади. Бугунги кунда республикамиз мактабларида минглаб ана шу улуғ ва мўътабар касб эгалари меҳнат қилаётир.

Тошкентдаги муҳташам «Туркистон» саройида 29 сентябрда халқ таълими ходимлари кунига бағишланган тантанали йиғилиш бўлди. Унда соҳа фахрийлари, илғор маорифчилар ва жамоат ташкилотларининг вакиллари қатнашди.

Йиғилиш очиқ деб эълон қилинади. Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси янграйди.

Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг халқ таълими ходимларига йўллаган табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х. Жўраев ўқиб берди. У байрам арафасида Президент Фармони билан республикамизнинг 400 дан кўпроқ халқ таълими ходимлари ҳукуматимизнинг «Соғлом авлод учун» ордени ҳамда «Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси», «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси» унвонларига сазовор бўлганлигини маълум қилди.

Республика халқ таълими вазири Ж. Йўлдошев Ўзбекистон ҳукумати, хусусан Президентимиз ўқитувчилар ва тарбиячиларни ҳар томонлама ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида тинмай ғамхўрлик қилаётгани, уларнинг меҳнатини юксак қадрлаётгани учун миннатдорлик изҳор қилди.

Йиғилишда республика Бош вазири А. Муталов қатнашди.

Атоқли санъаткорлар ва бадиий ҳаваскорлик жамоалари меҳрибон устозларни куй-қўшиқлар билан ҳушнуд этди.

(ЎзА).

МУКОФОТЛАР МУБОРАК!

Мамлакатимизда халқ таълимини ривожлантириш, ислоҳ қилиш, жисмонан ва ахлоқан соғлом авлодни камол топтириш, таълим беришга қўшган ҳиссаси, уларни ватанпарварлик, Ватанга содиқлик, миллий истиқлол ва ижтимоий тараққиёт ғояларига садоқат руҳида тарбиялашдаги, давлат ва халқ олдидаги жуда катта хизматлари ҳамда ижтимоий ҳаётда фаол қатнашаётганлиги учун тўрт юздан зиёд халқ таълими соҳасида алоҳида ўрнак кўрсатган ходимлар республика Президенти Фармони билан I ва II даражали «Соғлом авлод учун» орденлари билан мукофотландилар ҳамда «Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси» ва «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси» фахрий унвонларига сазовор бўлдилар.

Республика Президенти Фармонининг тўлиқ матни «Маърифат» ва «Учитель Узбекистана» газеталари ҳамда маҳаллий матбуотда эълон қилинади.

„ОҚ ОЛТИН" хирмонига

ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 1995 ЙИЛ 29 СЕНТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(Режага нисбатан фоиз ҳисобида)

Вилоятлар	Бир кунда	Мавсум бошидан буён
Андижон	1,36	91,54
Хоразм	1,94	80,50
Фарғона	0,51	74,18
Наманган	0,55	70,86
Бухоро	2,04	70,64
Навоий	3,45	57,54
Қорақалпоғистон Республикаси	2,05	54,59
Сурхондарё	1,66	54,53
Қашқадарё	1,75	49,67
Самарқанд	2,56	45,72
Тошкент	3,31	43,91
Сирдарё	2,65	35,45
Жиззах	2,15	34,41
Республика бўйича	**1,89**	**58,86**
1994 йилда	**2,65**	**41,96**

ВИЛОЯТДА БИРИНЧИ

Тадбиркорлик бу сафар ҳам ўзини оқлади. Яқинда ғалла етиштиришда пешқадамлик қилган китоблик деҳқонлар яна зафар қучдилар. 2 минг тонна пахта сотиб, йиллик режани вилоятда биринчи бўлиб адо этишди. Хирмонга «Зарафшон», Р. Шаймонов номли, «Навбаҳор», Ш. Умаров номли, Ж. Турдиев номли хўжаликлар муносиб ҳисса қўшишди. О. Бекназаров, Т. Тўраев, Х. Воҳидов, О. Бердиев каби моҳир деҳқонлар бошлиқ бригадаларда ҳосилдорлик 35-40 центнерга етди.

— Суғориладиган ерларнинг асосий қисмида дон етиштиряпмиз, — дейди туман деҳқончилик-саноат уюшмаси раиси Н. Холиқов. — Бу йил 600 гектар ерда деҳқончилик қилдик. Пахта ҳосилдорлиги туман бўйича 33 центнердан ошди. Яна 500 гектар ғаллазор ўрнига чигит экилган. Кечки ғўзаларнинг ҳосили яхши. Шу ҳисобдан яна минг тонна пахта топширамиз.

Юнус УЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЗАРБИ ЗЎР ЙИГИТЛАР ЖАМУЛЖАМ БУНДА

Спорт

ЭРТАГА ТОШКЕНТДА ОСИЁ БОКС ЧЕМПИОНАТИ БОШЛАНАДИ

Мамлакатимиз пойтахти яна бир йирик воқеани бошидан кечиришга ҳозир бўлиб турибди. Теннис бўйича халқаро мусобақалар ҳамда кичик олимпиада деб баҳоланган Марказий Осиё ўйинларининг шоҳиди бўлган мухлислар энди Осиё мамлакатларининг зарби зўр йигитлари баҳсини томоша қилишга ошиқмоқдалар.

Юртимизда спортнинг қизиқарли ва шиддатли турларидан ҳисобланган бокснни ривожлантириш, оммавийлигини таъминлаш ва маҳоратли спортчилар сафини кенгайтиришга икки йил аввал асос солинган эди, десак муболаға бўлмас. Боиси ўшанда мамлакатимиз боксининг етук мутахассис-мутасаддилари, устоз-у усталари юртбошимизга мурожаатнома қабул қилиб «Мустақиллик кубоги» учун халқаро мусобақа ўтказишга аҳд қилганликларини билдирган эдилар. Жумладан, ўша мурожаатномада шундай фикрлар баён этилган: «Бундай йирик мусобақанинг ўтказилиши Ўзбекистоннинг халқаро спорт алоқаларини мустаҳкамлашга хизмат қилади, хорижий спортчилар билан яқиндан танишиш, халқимиз қадимий анъаналарини рўёбга чиқариш, республикада боксни янада ривожлантиришга имкон беради. Эзгулик йўлидаги ўринишларимизнинг боиси шундаки, биз яқин келажакда жаҳон аҳлининг бокс деганда — Ўзбекистонни эслаб, Ўзбекистон деганда — боксчиларимизни эътироф этилишини истаймиз».

Яхши ният ярим мол деганларидек, ана шу мурожаатдан кейин қисқа вақтда мамлакатимизда боксни ривожлантириш борасида собит қадам ташланди. Чарм қўлқоп усталари халқаро мусобақаларда маҳорат кўрсатиб, назарга тушдилар. Узоққа бормай шу йил эришилган натижаларни инобатга оладиган бўлсак, мамнуният ҳосил этиш мумкин. Хусусан, профессионал боксчилар орасида Артур Григорьяннинг «Олтин белбоғ» соҳиби бўлганлиги мухлисларни беҳад қувонтирди. Олмонияда ўтказилган халқаро мусобақада эса тўрт йигитимиз курашнинг ярим финалигача чиқдилар. Сеул кубоги учун ўтказилган нуфузли мусобақада эса учта олтин, битта кумуш медаль қўлга киритилди. Қизиғи шундаки, бу мусобақада юртдошларимиз Жанубий Корея, Қозоғистон, Таиланд, Филиппин каби бокс ривожланган мамлакатлардан устун келдилар. Куни кеча якунланган Марказий Осиё ўйинларида еттита олтин медаль жамғарилди.

THE 10th ASIAN BOXING CHAMPIONSHIPS
БОКС БЎЙИЧА 10 ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИ
Tashkent '95 Uzbekistan
30.IX. - 9.X.1995

Мухлислар нима учун Осиё бокс чемпионати Тошкентда ўтказилмоқда, деб сўрашлари мумкин. Ҳақиқатан ҳам бундай мартабали мусобақани ўтказиб беришга 15 давлат талабгорлик қилган эди. Зеро, Осиё бокс уюшмаси Тошкентни танлади. Бу — юртимизда тинч ва барқарор ривожланиш, тараққиёт сари собит қадам ташланаётганлигининг эътирофидир. Шунингдек, мамлакатда жисмоний тарбия ва спортга катта аҳамият берилаётгани, халқаро мусобақаларни уюштиришда тажриба тўплангани ҳамда боксчиларимизнинг муваффақиятлари ҳам эътиборга олинди.

«Алпомиш» саройининг директори Абдурашид Абдиалиевнинг таъкидлашига қараганда, Тошкентдаги бу йирик кошона мусобақага пухта ҳозирланган. Саройнинг ташқи кўринишининг байрамона безатишни «Рассом» бирлашмаси ўрнига қўйган бўлса, меҳмону мезбонларга маданий-маиший хизмат кўрсатишни «Ўзбексавдо» концерни ўз зиммасига олган. Сарой раҳбарининг эътироф этишича, бу ерда ташкил этилган матбуот маркази ҳам халқаро талабларга мосланган. Тошкентдан туриб телетайп, телефакс ва халқаро телефонлар орқали исталган мамлакат билан мулоқотда бўлишга шароит яратилади. Энг муҳими, саройнинг улкан залига Таиландан келтирилган янги ринг ўрнатилди. Боксчиларнинг эса шу мамлакатдан юборилган электрон тарозида вазнлари аниқ ўлчанадиган бўлиб турибди.

Тошкентга 19 мамлакатдан 200 дан зиёд боксчининг келиши кутилмоқда. Бу давлатлар орасида Покистон, Хитой, Жанубий Корея, Япония, Таиланд, Индонезия, Филиппин, Эрон, Малайзия, Қувайт каби мамлакатлар бор. Ўзбекистон боксчилари ҳам катта умид билан рингга чиқишади. Нуфузли мусобақанинг муҳим жиҳати шундаки, низомга кўра финалга чиққан боксчилар келаси йили Атланта шаҳрида ўтказиладиган Олимпиада ўйинларига йўлланма олишлари мумкин. Буни яхши билган жаҳон кубоги соҳиби, республикада хизмат кўрсатган спорт устаси, терма жамоа устози Владимир Шин раҳбарлигидаги боксчиларимиз шайликни тобига етказишга зўр бердилар.

Марказий Осиё ўйинларининг ғолиблари — Дилшод Йўлдошев, Маҳамадқодир Абдуллаев, Наримон Отаев, Карим Тўлаганов, Руслан Чагаев, Дилшод Ёрбеков ҳамда жаҳон чемпионатининг нишондори Ҳикматилла Аҳмедов, жаҳон чемпионати қатнашчиси Улуғбек Иброҳимовларга умид боғланмоқда. Жаҳон тоифасидаги Темур Ғуломов билан Европа тоифасидаги ҳакам Станислав Бутаевлар ҳам баҳсни бошқарадилар. Осиё чемпионатининг ташкилий-тадбирий томонлари пухта ўйланган. Оталиқ ташкилотлар ва ҳомийлар мадад қўлларини чўзишга тайёр туришибди. Ўйлаймизки, бетакрор воқеаларга бой ва қизғин курашлар билан ўтадиган боксчилар мусобақаси кўпчиликда унутилмас таассурот қолдиради.

Ҳайдар НОСИРОВ.

БОШ МАВЗУ — ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАР

Тошкент Давлат иқтисодиёт университетида 29 сентябрь куни «Бозор иқтисодиёти асослари ва Ўзбекистондаги ислоҳотлар» дастури тингловчиларига ана шу курсни ўзлаштиргани ҳақида шаҳодат берувчи сертификатларни топшириш маросими бўлди.

Тошкент Давлат иқтисодиёт университети қошидаги иқтисодиёт, бизнес, кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш институтида республика оммавий ахборот воситаларининг 80 га яқин ходими ана шу дастур бўйича курсни тинглашга жалб этилган эди. Бундан мақсад журналистларнинг иқтисодиёт соҳасидаги билимини ошириш, бозор иқтисодиётининг моҳияти, ички тузилиши ва ривожланиш қонунлари ҳамда Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар билан янада батафсил таништириш эди. Уч ой мобайнида республика газета ва журналлари, давлат телерадиокомпанияси журналистлари иқтисодиёт университети етакчи иқтисодчи олимларининг бозор иқтисодиёти асосларига бағишланган маърузаларини тинглашди.

— Мазкур ўқиш журналистларимизни ҳаётга чуқурроқ қарашга ундайди,— дейди «Ўзбекистон овози» газетаси бош муҳаррири ўринбосари Шуҳрат Жабборов.— Ўйлайманки, бундан кейин газета-журналларимиз саҳифаларида, ойнаи-жаҳон ҳамда ҳаво мавжларида Президентимизнинг иқтисодий ислоҳот борасидаги сиёсати халқимизга янада тушунарли ва мазмунли тарзда акс этади.

«Бозор иқтисодиёти асослари ва Ўзбекистондаги ислоҳотлар» дастури тингловчиларига сертификатларни Тошкент Давлат иқтисодиёт университети ректори, академик С. Ғуломов топширди.

(ЎзА).



Пайариқлик Мукаррам ота Ёлғошев ҳам савобнинг кетидан қувганлардан. Тиниб-тинчимас бу қария «Янгиқурилиш» маҳалласига ариқ қазириб, сув келтиргани мамнун. Боиси, кўп ўтмай одамлар ариқ бўйига келишганида отахоннинг номини ҳурмат билан тилга олишлари табиий.

О. ХУДОЙБЕРДИЕВ олган сурат.

Халқаро ҳаёт: воқеалар, хабарлар

ДЕКЛАРАЦИЯ ИМЗОЛАНДИ

СЕУЛ. Бу ерга расмий ташриф билан келган Россия Федерацияси ҳукумати раиси Виктор Черномирдин Корея Республикаси Президенти Ким Ен Сам билан учрашди.

Музокаралар чоғида Россия ва Жанубий Кореянинг ўзаро иқтисодий ҳамкорлиги билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Шунингдек, Виктор Черномирдин Корея Республикаси Бош вазири Ли Хон Гу билан ҳам учрашиб, ўзаро савдо-иқтисодий ва илмий-техник ҳамкорлик тўғрисидаги ҳукуматлараро декларацияни имзолади.

ЯПОН ВА КОРЕЙС ВАКИЛЛАРИ ПЕКИНДА УЧРАШАДИЛАР

ТОКИО. Япония ва Корея Халқ Демократик Республикаси ҳукуматлари бугун Пекинда икки мамлакат ташқи ишлар вазирликлари вакилларининг учрашувини ўтказиш ҳақида келишиб олдилар. Ушбу учрашув Япония ва Шимолий Корея ўртасида дипломатия муносабатларини ўрнатиш ҳақидаги музокараларни қайтадан бошлаш мақсадида ўтказилади. Бу ҳақда Шимолий Корея расмий агентлиги (ЦТАК) маълум қилди.

НОРОЗИЛИК УЙҒОТМОҚДА

ДЕҲЛИ. Ҳиндистон ҳукумати мамлакат хавфсизлигини таъминлаш учун зарур чора-тадбирларни кўрмоқда, деб баёнот берди республика ташқи ишлар вазири Рагхунандал Лал Бхатна. «АҚШнинг Покистонга катта миқдорда қурол-яроғ сотишни мўлжаллаётгани Ҳиндистон ҳукуматини ушбу тадбирни қўллашга мажбур қилмоқда»., дейилади жумладан баёнотда.

АҚШ Ҳиндистон билан ҳар томонлама ўзаро ҳамкорликни кенг йўлга қўйган. Айни пайтда эса унинг Покистон билан ҳарбий алоқаларни мустаҳкамлаётгани Ҳиндистон сиёсий доираларида норозилик уйғотмоқда.

МУЗОКАРАГА ДАЪВАТ

ИСЛОМОБОД. Афғонистон Президенти Бурҳониддин Раббоний мавжуд мураккаб вазиятдан чиқиш ва жанговар ҳаракатларни тўхтатиш мақсадида мамлакатдаги муҳолиф кучларни музокаралар ўтказишга чақирди.

Афғонистон Президенти вакили Абдул Азиз Мурод агар муҳолифатдаги кучлар уруш йўли билан мамлакатда осойишталик ўрнатиб бўлмаслигини тушунсалар, Афғонистон ҳукумати уларнинг талабларини кўриб чиқишга тайёрлигини таъкидлади.

ҲУЖЖАТЛАР ТОПШИРИЛДИ

АБУ-ДАБИ. Бирлашган Араб Амирлиги ядро қуролини тарқатмаслик тўғрисидаги халқаро шартномага расмий равишда қўшилди.

Бирлашган Араб Амирлигининг Вашингтондаги элчиси Муҳаммад Бин Ҳусайн Аш-Шоали АҚШ давлат департаментига мамлакатнинг ушбу шартномага қўшилгани ҳақидаги ҳужжатларни топширди.

(Жаҳон ахборот агентликлари ва газеталаридан олинди).

ДИҚҚАТ, ОБУНА БОШЛАНМОҚДА!

Шу йилнинг 1 октябридан республиканинг барча почта бўлимлари, матбуот тарқатиш тармоқларида газета ва журналлар учун 1996 йилга обуна бошланади.

Қадрли муштарийлар!

Биласиз, «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» газетаси доимо Сизнинг севимли ҳамроҳингиз, маслакдош дўстингиз бўлиб келган. Шундай экан, келинг маънавиятга, маърифатга муштоқлигингизни яна бир карра исботланг.

Сиз «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»га обуна бўлсангиз, йил давомида мамлакатимизда рўй бераётган сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий воқеа-хабарлар билан танишиб борасиз, бутун жаҳон янгиликларидан воқиф бўласиз.

Тўғри, газета ва журналлар жуда кўп. Лекин танлаш имконияти ўз қўлингизда. Биз фақат шуни эслатмоқчимизки, «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» Сизнинг кўп йиллик қадрдон, синалган дўстингиз. Шу боис, уни мунтазам ўқиш ниятида бўлсангиз, «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»га ОБУНА БЎЛИНГ!

Фуқаролар учун:
бир йилга — 1086 сўм,
олти ойга —543 сўм.
Фуқаролар учун нашр индекси — 64583.
Корхона ва ташкилотлар учун:
бир йилга — 1210,80 сўм,
олти ойга — 605,40 сўм.
Корхона ва ташкилотлар учун нашр индекси — 64588.

Партия ва ҳаёт

ДИЛ АМРИ

Бу йилги пахта йиғим-терими бошланиши арафасида «Ўзбекистон» жамоа хўжалиги бошланғич партия ташкилотининг навбатдаги йиғилиши бўлди. Унда сўз олган ЎзХДП аъзоси Тоҳиржон Жўраевнинг сўзи бошқаларни бироз таъсирлантирди:

— Ҳосил теримини ҳамма ҳавас қилгулик даражада ташкил этайлик. Бу менинг эмас, ёнма-ён ишлаётган партиядош деҳқонларнинг эзгу нияти.

Буни партиядошлар Ёқубжон Маматурдиев, Толибжон Абдураззоқовлар ҳам қўллаб-қувватлашди.

Кўнгилдан чиққан гапнинг таъсири кучли бўлади. Трактор билан 6-, 7-бригада далаларидаги ғўза қатор ораларига ишлов берган механизатор Комилжон Аҳмаджонов 150 тонна пахтани техникасига арава тиркаб қабул омборларига ташишга тайёрлигини айтди.

Шу-шу партиядошлар ғайрат камарини боғладилар. Фаолликни амалда кўрсатдилар. Бунга гувоҳ бўлган жамоа хўжалиги раиси И. Қосимов хўжалик бошланғич партия ташкилоти котиби Бахтиёржон Усмоновнинг қўлини қисиб миннатдорчилик билдирди. Жамоа хўжалиги пахта топшириш режасини Асака туманидагина эмас, Андижон вилоятида пешқадамлар қаторида бажарган кунда ҳам Ўзбекистон Халқ демократик партияси аъзоларининг ибратли меҳнатлари алоҳида таъкидланди.

Тоҳиржон Жўраев, Абдужаббор Алиевлар бошлиқ бригадаларнинг пахтакорлари белгиланган режани 110 фоиздан оширдилар. Сўз ва иш бирлигини таъминладилар. Бу бригадаларда ҳозирги кунларда ҳам ҳосил йиғим-терими маромида юқори бўлмоқда.

Аҳмадилло СОЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ТАШКИЛИЙ МАСАЛА КЎРИЛДИ

Ўзбекистон ХДП Қарши шаҳар кенгашининг пленумида ташкилий масала кўрилди. Музаффар Туробов бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан илгари шаҳар халқ таълими бўлими мудирининг ўринбосари вазифасида ишлаб келган Рашид Муртазоев шаҳар партия кенгашининг биринчи котиби этиб сайланди.

Илҳом ҚАРОМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ПАРТИЯДОШЛАР НАМУНА

Қораўзак тумани пахтакор ва шоликорлари бу йил Ватанга 11 минг 500 тонна пахта, 36 минг тоннадан кўпроқ шоли топширишга қарор қилишган. Бироқ, куни-кеча обҳаво бирданига ўзгарди. Мовий осмонда булутлар пайдо бўла бошлади. Шу сабабдан пахта терими ҳамда шолини ўриб-янчиб топширишни янада тезлаштириш мақсадида Қораўзак тумани партия кенгаши чора-тадбирлар белгилади. Шу ҳақда туман партия кенгаши биринчи котиби Қидирниёз Дўстназаров шундай дейди:

— Етиштирилган ҳосилни тез ва сифатли йиғиб-териб олиш учун туман партия кенгаши туман ҳокимлиги билан бир қатор ишларни амалга оширишга бел боғладилар. Жумладан, техникадан унумли фойдаланишга эришиш, ҳашарчилар сафарбарлигини ошириш, ҳар беш кунда пул тўлашни қатъий йўлга қўйиш ҳамда ишчиларни тез-тез рағбатлантириб туриш.

Ишлаб чиқилган тадбирлар самарасини бера бошлади. «Қуролпа» деҳқон фермерлик хўжалигида ҳар куни йиллик режанинг 3,5 фоизи миқдорида, «Қаршиғали» хўжалиги эса ҳар куни қабул пунктларига 4,2—4,5 фоиз миқдорида пахта топширишга эришяпти. Барча хўжаликларда машина теримига алоҳида эътибор берилмоқда.

Тумандаги «Маданият», «Қораўзак», А. Дўстназаров номли, «Есимўзак» шоличилик хўжаликларида шолини ўришянчиш ишлари илдамлади. Е. Панаев раислик қилаётган «Маданият» жамоа хўжалиги шоликорлари 4 минг гектар майдоннинг ҳар гектаридан 40 центнердан шоли топширишга аҳд қилишган.

Бир ярим мингдан ортиқ партиядошлар намуна бўлиб пахта терими ва шоли ўримини уюшқоқлик билан олиб бориш билан бир қаторда кузги ғалла экиш ишларини ҳам оммавий равишда бошлаб юбордилар.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Ўзбек феъли

КЎКАЛДОШГА СОЛИНГАН ХАВФ

ёхуд унинг қандай бартараф этилгани хусусида

Бу воқеанинг содир бўлганига ҳали кўп вақт ўтмади. Тошкентда ярим тун эди. Шайхонтоҳур туман кенгашининг депутати, туман ҳокимлиги ташкилий ишлар бўлими мудирининг ўринбосари Абдуқаҳҳор Алимбоевнинг уйида бемаҳалда телефон жиринглади. Ташвишли овоз эгаси Кўкалдош мадрасаси остидаги иссиқлик қувури ёрилиб кетганини ва отилаётган қайноқ сув қадимий обидага хавф солаётганини айтди. А. Алимбоев зудлик билан тегишли жойларга сим қоқди. Ва шу заҳоти ўзиям Кўкалдошга етиб борди. Кўрса — аҳвол жиддий. Шошилинч чора кўрилмаса, XVI асрнинг энг машҳур обидаси ҳаёти катта хавф остида қолиши ҳеч гап эмас.

Йўқ, бефарқ қараб туриш жиноят билан баробар. Унинг ўзиям маиший хизмат соҳасининг одами эмасми, бундай кўргуликларни кўраверib, кўзи «пишиб» кетган. Қисталанг пайтда айбдорларни излаш бефойда. Фақат шошилинч чора кўриш керак, вассалом!

Абдуқаҳҳор Алимбоев бирдан сезди: кўп қаватли уйлардан бирига ўтказилган иссиқлик қувурини ётқизишда эътиборсизлик қилинган. Устига-устак ўз вақтида тегишли жавобгар ташкилот хабардор этилмаган. Оқибатда қувур эгасиз қолган. Буям етмагандек, иссиқлик қувурининг бошқарув пульти тарихий обида остига жойлаштирилгани-чи?

Бу хатоликларни таҳлил этиб ўтириш фойдасизлигини Абдуқаҳҳор ака тушунди ва кескин тадбирлар белгилади. Туман худудидаги тегишли вазирликлар, турли институтлар ва маиший хизмат кўрсатиш ташкилотлари раҳбарлари билан маслаҳатлашиб иш юритди. Шошилинч кўрилган чоралар қисқа вақт орасида ўз натижасини берди: хавф бартараф этилди. Ана шундагина фидойи ва ташкилотчи инсон Абдуқаҳҳор Алимбоевнинг безовта кўнгли жойига тушди.

Кейин... ҳамма-ҳамма, шу жумладан Маданият ишлари вазирлиги раҳбарлари, Мовароуннаҳр мусулмонлари диний идораси жамоаси ва ... хулласи, барча ташкилотлар вакиллари Абдуқаҳҳор Алимбоевга бундай жонкуярлиги учун чин юракдан миннатдорчилик изҳор этдилар. Энг қувончлиси, Ватанимизнинг, қолаверса, халқимизнинг кўп асрлар давомида асраб-авайлаб келаётган тарихий меросига бўлган ҳурмат ва эҳтиромни ҳамюртларимиздан бири исботлади.

Умида РАҲИМОВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.



Раҳим Шарипов Ўзбекистон Нефть ва газ қазиб чиқариш давлат акционерлик бирлашмасига қарашли Қоровулбозор туманидаги транспорт ва махсус техника бошқармасининг учинчи колоннасида бульдозерчи бўлиб ишлайди. У мана ўн йилдан бери ўз касбига садоқат кўрсатмоқда. Айни пайтда «Муборакгаз» газ конлари бошқармасида илғорлар сафида. Шу боис қўпчилик ҳурматини қозонган.

СУРАТДА: Раҳим Шарипов.

Ф. СУЛТОНОВ олган сурат.

«Дўстлик» ордени соҳиблари

ЮРТ ЭЪЗОЗИ — ЮКСАК ШАРАФ



Валентина ЖАРКОВА,
«Чирчиққурилиш» акционерлик жамиятининг пардозлаш бригадаси бошлиғи.

Касблар ҳам, ҳунарлар ҳам кўп. Лекин улар орасида хотин-қизларга хос соҳалар бор: Масалан, айтайлик, фалончи тикувчи ёки сотувчи бўлиб ишлаяпти дейилса, бунга ҳеч ким ажабланмайди. Аммо фалончининг онаси ёки қизи қурилишда меҳнат қилади дейилса, қулоғимизга ғалатироқ эшитилади. Валентина Михайловна Жаркова эса ўттиз йилдан буён Чирчиқдаги 277-кўчма механизациялашган жамланмада пардозлаш бригадасига бошчилик қилиб келади. У ўз меҳнат фаолиятида яхши кунларни ҳам, оғир кунларни ҳам бошидан кечирди. Бироқ жонажон бригадасини ташлаб кетмади. Баъзи қурувчилар маоши оз деб, бошқа қурилиш трестларига ишга ўтишганида ҳам у қадрдон жамоаси билан бирга бўлди. Бутун умрини сувоқчилик, бўёқчиликка бағишлаган энг тажрибали қурувчи Валентина Ивановна Позднякова, В. Жарковларнинг шогирдларидан — Аҳмаджон Турсунбоев, Марат Акимбоев сингари ўз касбининг усталари бригада бошлиғига таянч бўлишди.

— Чирчиқ шаҳрида энг обрўли қурувчи ким, деб сўрашса мен В. Жарковани кўрсатган бўлардим, — дейди жамланма прораби Шавкат Канзафаров. — У 1-ҳунар билим юртининг ўқувчиларига касб сирларини ўргатибгина қолмай, балки уларга она каби тарбия ҳам беради.

— Мен ўз шогирдларимни ҳамиша виждонан ишлаш ва яшашга даъват этганман, — дейди Валентина Михайловна.

Балки, унинг ўзи ҳам айнан шундай хислатга эга бўлгани учун III даражали «Меҳнат шуҳрати», «Мустақиллик» медаллари, «Республикада хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси» унвонига сазовор бўлгандир. Балки «Дўстлик» орденини ҳам юқоридаги хислати эвазига олган бўлса ажаб эмас.

Абдунаби МАННОПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.



Рим ГИНИЯТУЛЛИН,
мелиорация ва сув хўжалиги вазири.

Раҳбарлар, хусусан вазирлар ҳақида ёзишга, одатда, кам тўғри келади. Улар ҳақида нима ҳам дейиш мумкин: мажлисларни яхши ўтказади, дейсизми. Лекин республика мелиорация ва сув хўжалиги вазири Рим Абдулович Гиниятуллиннинг исми-шарифини «Дўстлик» ордени билан мукофотланганлар қаторида кўрганимизда бу куйди-пишди раҳбарнинг ибратли фазилатлари кўз олдимизда яққол намоён бўлди. Аввало вазирликда қатъий интизом йўлга қўйилган. Тармоқда туб ислоҳотларни амалга ошириш бўйича аниқ дастур асосида кураш кетмоқда. Асосий эътибор ана шу дастур мақсадларини тизимдаги ҳар бир ходимга юқтиришга қаратилган. Эндиликда Мелиорация ва сув хўжалиги вазирлигининг муносиб шаъни, бошқача айтганда «маркаси» яратилган. Бу ҳам ватанпарварликнинг бир ифодаси, албатта.

Хўш, бунга қандай эришилди? Аввало Рим Абдуловичнинг ўзига ва бошқаларга талабчанликни оширганлиги ҳисобига. Чунки у киши вазирлик лавозимига келгунича оддий ишчиликдан бошлаб барча поғоналарни босиб ўтди. Халқ ҳаётини яхши билади, азалий қадриятларимизни тиклашнинг чинакам тарафдорларидан. Икки йил муқаддам «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ирригатор» фахрий унвонига сазовор бўлди. Вазирнинг икки ўғли ҳам ота изидан бориб, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш муҳандислари институтида таълим олишмоқда.

Дарвоқе, ушбу сатрларни Рим Абдуловичдан ижозат сўрамасдан ёздик. Чунки бу одам ўзи ҳақида мақтов гапларни айтишга сираям рози бўлмайди. Журналистлар билан учрашганда «Яхшиси, сув ҳақида, уни кўзга тўтиё қилишга даъват этувчи мақолалар ёзинглар» дейди.

Шуҳрат ЖАББОРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Қуддус МУҲАММАДИЙ,
халқ ёзувчиси.

Кўнгил — қуёш, олам,
жаҳон,
Кўнгил — бош ойнажаҳон.
Одам ягона, танҳо,
Уни ранжитманг асло.
Кўнгилни очиқ тутинг,
Ғам-ғуссани унутинг.
Дейдилар: кўнгил — олам,
Кўнгил ичида одам.

Сездингиз-а, бу сатрлар кимники эканлигини. Ҳа, бу ҳаммамизнинг кўнглимизга яқин ва таниш бўлиб қолган севимли шоиримиз Қуддус МУҲАММАДИЙнинг дил сўзлари.

Очиғи, Қуддус ака барчамизга баробар устоз ва маслакдош. Шоир бобомизнинг яхшилик, дўстлик, тинчлик, одам ва олам мавзусидаги шеърлари гўдак кўнгилларимизга қуёш нурлари янглиғ кирган. Равон ва ўйноқи мисраларини ўқиб тилимиз бийрон, дилимиз равшан тортган десак янглишмаймиз.

Қуддус Муҳаммадийнинг ҳаёт ва ижод йўли ҳаммамиз ҳавас қилгулик ибратли. Табиатан қувноқ ва чаққон ижодкор барча ёшдаги инсонларнинг кўнглини олишга улгуради. Шунинг учун бўлса керак, у кишини доимо элдошларимиз орасида, устоз ва шогирдлари даврасида учратасиз.

Яқинда эса суюкли шоиримиз меҳнати давлатимиз томонидан муносиб тақдирланиб, «Дўстлик» ордени билан мукофотланди. Биз ҳам барча мухлислар қатори ўз ижодий жамоамиз, қолаверса, минг-минглаб газетхонларимиз номидан бобо шоирни юксак мукофот билан чин дилдан қутлаймиз.

Замира ЭГАМБЕРДИЕВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Акрам ҚОРАЕВ,
Жиззах вилояти Ғаллаорол тумани Д. Йўлдошев номли жамоа хўжалиги бошқаруви раиси.

Одамлар бугунги раҳбарнинг қайси ҳолатларига қараб баҳо беришади? Аввалambор халққа қайишишига, унинг манфаати йўлида елиб-югуришига, тадбиркорлик ва ишчанлигига қараб-да.

Акрам Қораевда юқоридаги фазилатларнинг барчаси бор. Халққа қайишгани шуки, жорий йил ҳосилидан хўжаликда яшовчи аҳолига етарли миқдорда дон тарқатиб, давлатга сотиш режасини ҳам уддалади. Одамлар манфаати йўлида елиб-югуришини у амалга ошираётган ободончилик ва қурилиш ишларида кўриш, тадбиркорлик ҳамда ишчанлик хислатларини мулкни хусусийлаштириш, кичик корхоналар бунёд этиш, МДҲ ва чет эл ишбилармонлари билан алоқа боғлаш каби ишларида яқ-қол кўриш мумкин.

Хуллас, Ўзбекистон Халқ демократик партияси аъзоси Акрам Қораев ўз раҳбарлигидаги хўжаликда ундай қиляпти-бундай қиляпти деган гаплардан кўра, бир кўрган афзал. Жиззахдан ўтиб, Самарқандга йўлингиз тушса, ана шу хўжалик ичидан ўтасиз. Бир эътибор беринг-а, чойхона, бозор, савдо расталари, қатор дўконлар, маданий-маиший бинолар кўзларингизни қувонтиради. Шунда Сиз у кишига яқинда берилган «Дўстлик» ордени муносиб баҳо эканига амин бўласиз. Юксак нишон муборак, Акрамжон!

Келдиёр ЖЎРАҚУЛОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Мусо ТЎРАЕВ,
Самарқанд вилояти Тойлоқ тумани Улуғбек номли жамоа хўжалиги бошқаруви раиси.

Мусо Муқаддасович меҳнат фаолиятини 1972 йилда ўқитувчиликдан бошлаган. 1988 йилдан бери эса у Тойлоқ туманидаги Улуғбек номли жамоа хўжалигини бошқариб келмоқда. Жамоа аъзолари моҳир раҳбар бошчилигида ишлаб чиқариш тармоқларини кенгайтириш ва ривожлантириш борасида катта ютуқларга эришдилар.

Бу ерда давлат режалари ва топшириқлари муттасил бажарилиб келади. Хўжаликда мўл ҳосил етиштириш борасида ўзига хос тажриба мактаби яратилган. Мева, сабзавот ва полиз экинларининг кўплаб янги турлари айнан шу заминдаги пайкалларда синовдан ўтди. Хусусан картошкачиликдаги илмий тажрибалар Улуғбек номли жамоа хўжалигига обрў келтирди. Картошканинг «Зарафшон» нави бутун воҳага шу ердан йўл олди. Миришкорлар голландиялик картошкачилар технологиясини ҳам биринчилардан бўлиб қўлладилар.

Мусо Тўраев раҳбарлик қилаётган жамоада уч йил аввал дончилик уруғчилик агрофирмасига асос солинди. Жорий йилда 1,5 минг тоннага яқин дон етиштирилди. Ҳосилдорлик гектар бошига 42 центнерга етди.

Ҳар бир қишлоқда мактаб, болалар боғчаси қурилган. Аълочи ўқувчилар ва тажрибали ўқитувчилар учун ойлик стипендия, мукофотлар таъсис этилган. Хўжалик маданият марказида деярли ҳар куни дам олиш тадбирлари ўтказилади.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси аъзоси Мусо Тўраев туман ташкилотига яқиндан ёрдам бериб келади.

Фармон ТОШЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

1 октябрь — Халқ таълими ходимлари куни

ЎҚУВЧИНГИЗ СИЗНИ ЭСЛАЙДИМИ?

Ҳар сафар Билимлар куни, Ўқитувчилар айёми арафасида илк муаллимим Ойша Боязитовани эслайман. Саф-саф терилган жажжигина болажонларни етаклаб синф хонасига олиб кирган, ҳаммамизнинг бўй-бастимизга қараб тизилган қалдирғочлар каби парталарга ўтказган, кейин эса ўзларини танитиб, бирма-бир биз билан танишган ўша ўқитувчимни ҳали-ҳали кўмсайман. Унинг чеҳрасидаги майинлик, вазминлик, жуда оддий нарсаларни ҳам эриндай тушунтириб ўргатувчи фазилати мурғак онгимга ўқитувчи фақат шундай бўлиши керак, деган тасаввурни муҳрлаб қўйган.

— Тасаввурингиз аслида ҳақиқат, — дея фикримни давом эттираги суҳбатдошим — Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институти ректори, техника фанлари доктори Баҳром Қодиров. — Зеро, ўқитувчи болаларни дилдан севса, ҳар бирининг кўнглидаги сиру асроридан воқиф бўлиб, шунга яраша муомала қилолса, касбининг чин маънодаги фидойиси бўлолса унинг шогирдлари от изини босган тойчоқлар бўлиши шубҳасиз. Қолаверса, муаллима ҳуснихат эгаси, ташқи кўриниши жиҳатидан ўқувчиларига ибрат бўла оладиган, энг муҳими, теран билимли, уз мутахассислигининг билимдони бўлиши лозим.

Бир донишманд «Ота-онам менга ёруг дунени курсатди, устозим эса мени осмон қадар юксалтирди», деган экан. Ана шундай устоз бўлишга интилишимиз керак.

— Бўлиб ўтган тест синовлари Сиз таърифлагандек талабаларни танлаб бера олдими?

— Очиғини айтганда, йўқ. Тест синовлари ҳали тула такомиллашмади чоғи, ҳақиқий педагог буладиган талабани тўлиқ танлаб олишга «кучи етмаяпти»...

— ...ёки том маънода муаллим бўладиган ёшларнинг ўзи камми?

— Кам дейиш бироз ғалатироқ туюлар балки, лекин уларни «қидириб топиш» керак.

— Баҳром Гофурович, эшитишимча, янги ўқув йили олдидан мактабларда турли мутахассисликлар бўйича бир ярим минг ўқитувчи етишмабди. Умуман, бугунги кунда қишлоқ жойларидагина эмас, шаҳар мактабларида ҳам педагог кадрлар танқислиги сир эмас. Сиз раҳбарлик қилаётган педагогика институти эса педагог кадрлар тайёрлашда етакчи олий ўқув юрти ҳисобланади. Шу маънода...

— Сизлар нима қиляпсизлар, демоқчисиз-да. Фикрингизни тушундим. Бунинг учун биз институтимиз психолог олимлари билан бирга психологик тестлар ишлаб чиқдик. Шу йилнинг бошида Тошкентдаги мактабларда синов тариқасида шундай бир тажриба ўтказдик. 1200 нафардан ортиқ фақат аълочи ўқувчини тестдан ўтказдик. Тасаввур қилинг-а, шуларнинг фақат 78 нафаригина педагогикага иқтидорли деб топилди.

— Бу энди, яхши кўрсаткич эмасда?

— Ҳа-да... Кейин бошқачароқ йўл тутдик, Тошкент шаҳар ва вилояти мактабларининг беш минг нафар ўқувчисини педагогик тестлардан ўтказдик. Ҳайтовур бу сафар 9-ва 11-синф ўқувчиларининг беш юз нафардан ортиғининг педагогикага лаёқати борлиги аниқланди. Шуларни март, апрель, май ойлари давомида институт қошида мактабдан ташқари пайтда ўқитдик. Дарсларни ўзимизнинг домлалар олиб боришди. Кейин компьютерда ўқувчиларнинг фанлар бўйича билимлари аниқланди. Бу йилги қабулда уч йўналиш: табиий, гуманитар ва санъатшунослик мутахассисликлари бўйича 738 нафар абитуриент талаба бўлган бўлса, шулардан Тошкентда олиб қолдик. Ҳозир улар мактабларда иш фаолиятини бошлашяпти. Шунингдек, сентябрь бошидан бу йилги битирувчи курс талабаларини практика ўташ учун мактабларга тарқатдик.

— Бироқ улар уч-тўрт ойгина мактабда бўлишади-да, шундайми?

— Аввалари шундай бўларди. Энди эса юқори курс талабалари ўқув йилининг охиригача мактабда бўлишади. Ҳафтада икки кун институтга келиб, махсус жадвал асосида давлат имтиҳонига тайёргарлик кўришади. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, талабаларимиз институтдан стипендияларини ҳам олишади. Айни пайтда мактабда ҳам ҳақиқий ўқитувчилар қатори маош олиб ишлашади. Бу ҳам уша педагог қадрлар етишмаётган мактабларга қисман ёрдам булади.

— Баҳром Гофурович, суҳбатимиз бевосита азиз ва муҳтарам устозларимиз — ўқитувчиларнинг касб байрами арафасида бўлганидан шекилли бугунги кун ўқитувчиси ҳақида кўпроқ тўхталдик. Ана шу педагоглари тайёрлаётган олий даргоҳнинг ҳозирги ҳаёти ҳақида ҳам гапириб берсангиз.

— Аввало шуни таъкидлаш керакки, шу йилнинг бошида институтимизда янги бошқарув тизими ишлаб чиқилди. Бунга кўра мутахассисларни табиий, гуманитар ва санъатшунослик йўналишларида тайёрлаш асос қилиб олинди. Шунингдек, олий таълимнинг босқичли бакалавр, магистр, аспирант, докторант тайёрлайдиган тизимига ўтдик. Бугунги кунда кундузги ва сиртқи бўлимларда ўн саккизта мутахассислик ва 28 та ихтисослик бўйича педагог кадрлар тайёрланяпти. Талабаларнинг билими ҳамма фанлар бўйича кўпбаллик — рейтинг асосида белгиланади. Бу талабанинг фанпайт. Очиғини айтганда, йил мобайнида вазирлик томонидан институт биносини таъмирлаш учун бизга ажратилган уч-тўрт миллион сўм пул мутлақо етмаяпти. Ўзимизнинг ҳисобимиз бўйича ҳаммаси бўлиб 96 миллион сўм маблағ керак аслида. Биноларимизни таъмирлашдан ташқари ётоқхоналаримиз қурилиши ҳам тўхтаб турибди. Қўплаб талабаларимиз ижарада яшаб ўқишяпти. Бундан ташқари зарур жиҳозлар, оддий стол-стуллар етишмайди. Лекин шунга қарамай қишки иситиш тармоқларини имкони борича тўғрилаб, тайёрлаб қўйишнинг уддасидан чиқдик.

— Балки ўрнимасдир-у, лекин техника фанлари доктори эканингиз Сизга шу саволни беришимга туртки бўлди. Аслида соҳангиз нима?

— Соҳамми (суҳбатдошим кулимсираб, бироз ўйланиб қолдилар), соҳам.., мен асли инженер-технологман. Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтини битирганман. Тарихи анчагинаю, лекин кўп йиллар таълим соҳасининг ичида бўлдим. Кўриб турганингиздек, техника фанлари доктори, институт ректори.

Суҳбатдошим ҳақида. Олтмишинчи йиллар институтни битириб, йўлланма билан Термиз пахта тозалаш заводида, кейин Қашқадарёда вилоят комсомол ташкилоти котиби, Термиз шаҳар комсомол қўмитасида раҳбарлик лавозимларида ишлади. Институтга қайтиб, аспирантурада таҳсил олди, кандидатлик ишини ҳимоя қилди ва ўзи ўқиган даргоҳда ёшларга билим бера бошлади. Институт партия ташкилоти котиби, кейин шу даргоҳ раҳбари — ректор бўлди. Саксон еттинчи йили уни Москвага раҳбар қадрлар тайёрлашга юборишди. У ердан қайтгач, Халқ таълими вазирлигида ишлади. Шу соҳанинг қўплаб тармоқлари унинг тасарруфида бўлди. Қисқаси, таъбир жоиз бўлса, халқ таълими соҳасининг «устаси» бўлиб кетди. Утган йилдан бери Тошкент Давлат педагогика институти ректори. Халқ таълими жонкуярининг ота-онаси, сингиллари ҳам педагог. Фармацевт аёли-ю, ўзи ўқиган институтда бири ўқитувчи, иккинчиси талаба икки ўғли ҳам бор.

— Баҳром ака, байрам байрам-да, Сизни шу айём билан муборакбод этаман...

— Мен ҳам уз навбатида аввало устозларимни, ҳамкасблар, шогирдларимни Халқ таълими ходимлари куни билан қутлагим келади. Суҳбатимизнинг аввалида йигирма беш йилдан кейин ҳам қалбингизга йўл топа олган илк муаллимангизни сиз ҳурмат билан ёдга олганингиздек мен ҳам ўқитувчиларимизнинг уз ўқувчиларига ана шундай эъзозли, эътиборли, эсда қоларли бўлиб қолишларини тилардим. Аслида биз, ўқитувчилар учун бу катта бахт.

«Ўзбекистон овози» махсус мухбири
Умида ФАЙЗИЕВА
суҳбатлашди.

Диққат, янгилик!

МИТТИ ТЕГИРМОН

Олимлар ҳар томонлама қулай митти тегирмон кашф этишди.

Ўзбекистон Фанлар академиясининг У.Орифов номидаги электроника институти директори, таниқли олим Уткир Расулов бошчилигидаги бир гуруҳ мутахассислар бозор иқтисодиёти шароитига тўлиқ жавоб берадиган митти тегирмонни кашф этишди. Ҳозирча бундай тегирмонларни қўплаб тайёрлашнинг имкони йўқроқ. Чунки, институт лабораториясида ички имкониятлардан фойдаланилган ҳолда тегирмон созланмоқда. Бундай тегирмон соатига 150 килограмм буғдойни оқлаш қувватига эга. Унинг лойиҳаси физика-математика фанлари номзоди, техника-электроникаси гуруҳининг раҳбари Султон Азизов бошчилигида тайёрланди.

Митти тегирмоннинг хорижий нусхаларидан фарқи шундаки, тайёрланаётган уннинг қизиб кетишига йўл қўйилмайди. Бошқа тегирмонларда эса қизиш туфайли уннинг фойдали хосиятига путур етиши мумкин. Шунингдек буғдой билан бирга арпа, жўхори донини ҳам оқлаш мумкин. Муҳими, бундай тегирмон чоғроқ жамоа, фермер ва корхоналарда, қолаверса, шахсий томорқаларда ҳам ишлайверади. Бор-йўғи беш квадрат-метр майдонни эгаллайди. Нархининг арзонлиги, содда тузилганлиги ва ихчамлиги билан кўпчиликда катта қизиқиш уйғотмоқда. Ҳозирча бирқанча вилоятларда тегирмоннинг намуна нусхалари ишлаб турибди. Тушаётган таклиф ва мулоҳазаларни инобатга олиб, мутахассислар 250 килограмм донни оқлаш қувватига эга бўлган кучлироқ тегирмон тайёрлашни мўлжалламоқдалар.

Илҳом ШЕРМУҲАМЕДОВ.

Хотира

БАХШИЛИ ЭЛ — БОТИР ЭЛ

Машҳур достончилар Эргаш Жуманбулбул ўғли, Фозил Йўлдош ўғли, Пўлкан, Ислом шоир, Бекмурод бахши, Саидмурод жиров, Умир шоир, Ёрлақаб Бекназар ўғли ва бошқа улкан халқ санъаткорлари ҳақида ўйлаганимда беихтиёр машҳур фольклоршунос, устоз Ҳоди Зариф билан бўлган бир суҳбат хаёлимдан ўтаверади. Гап шундаки, 50-йилларда бир неча халқ достонлари аввал юпқа муқовада алоҳида, алоҳида китобча ҳолда, сўнг икки жилдликка бирлаштирилиб нашр этилган эди. Уларда достонларнинг матни шу даражада қисқартирилиб, таҳрир этилган эдики, натижада уларнинг ғоявий йўналиши бузилиб, ўта замонавийлаштирилганди. Бундай асарларнинг ҳақиқий мазмунидан хабардор бўлган ҳар бир киши беихтиёр шундай нашрларга ҳожат бормиди, деган хаёлга бориши табиий. Фольклоршунослик тарихида илгари ҳеч кўрилмаган бундай салбий ҳодисанинг сабаблари ҳақида устоз алломадан сўраганимда, у киши: «Ўша оғир шароитларда достон борлигини халққа билдириб туриш зарур бўлган эди», — деб жавоб берди. Чиндан ҳам бундай ўйлаб қарасанг, машҳур қаҳрамонлик эпоси «Алпомиш» халққа қарши, реакцион асар, деб эълон қилинган, барча анъанавий халқ достонларига тош отилаётган, маданий-маънавий мерос ёппасига инкор этила бошлаган бир даврда халқ достонларини қисқартирилган, ноўрин таҳрир этилган, баъзан бузилган ҳолда бўлса ҳам нашр этиб, халққа етказиб туришнинг ўзи буюк бир жасорат эди. Менинг назаримда халқ бахшилари ҳам ота мерос достонларимизни ўзларининг ҳайратомуз ҳофизаларида асрлар тўфонларидан бутун борлиғи билан сақлаб қолиб, ғоявий-бадиий жиҳатдан янада бойитиб, бизнинг авлодларимизгача жонли оғзаки эпик анъаналарда етказишда ана шундай ижодий жасорат кўрсатдилар. Зоминлик Ёрлақаб Бекназар ўғли (1888-1970) ана шундай санъаткорлардан биридир.

Замонамизнинг йирик достончиларидан бири Ёрлақаб бахши ҳозирги Жиззах вилояти Зомин туманининг Қарапчи-Буржиған қишлоғида деҳқон-чорвадор оиласида туғилди. Бўлғуси бахши туғилиб вояга етган оила шароитида ҳам, у яшаган қишлоқ ва унинг атрофларида ҳам яхшигина оғзаки адабий муҳит мавжуд эди. Бахшининг онаси бекободлик бўлиб, сўзга чечан, халқ қўшиқлари, эртаклари, урф-одатларини яхши биладиган кайвони аёллардан эди. Тоғалари Сотиболди ва Алимбеклар ҳам ўз даврининг моҳир достончиларидан бўлганлар. Шунингдек, кейинчалик фанда Булунғур достончилик мактаби деб номланган бахшилик мактабининг Йўлдош, Қўлдош, Суяр, Раҳимбулбул, Хўжаназар, Фозил Йўлдош ўғли каби улкан намояндалари достончилик санъатини бутун йўллар билан давом эттираётган эдилар. Даврга хос бўлган ҳамда оила шароитида мавжуд бундай оғзаки адабий муҳит Ёрлақабнинг достончи бўлиб етишишида асосий омил бўлди.

Ёшлигидан зийрак, сўзамол бўлиб ўса бошлаган Ёрлақаб тоғаси Алимбек ва бошқа бахшиларнинг асарларини жон-дили билан тинглар, уларга эргашиш, достончи бўлиб етишишни орзу қиларди. Бора-бора достон тинглаш унинг асосий машғулотларидан бирига айланди. Катта бахшиларга эргашиб достонлардан парчалар, термалар қуйлай бошлади. Ёрлақабдаги бу ҳавас ва қизиқишни кўрган Сўлоқ қишлоқлик Худойназар шоир уни ўзига шогирд қилиб олди. Худойназар шоир XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср бошларида яшаган устоз достончилардан биридир. Ёрлақаб ундан бахшилик таълимини олди, достончилик йўлларини пухта ўрганди. Ниҳоят, устозининг оқ фотиҳасини олиб, эл орасида достон қуйлай бошлади. Айни вақтда деҳқончилик билан ҳам шуғулланди.

20-22 ёшларида мустақил достончи бўлиб етишган Ёрлақаб бахши 10-15 йил давомида Фарғона водийсининг турли туман ва қишлоқларида достон ижрочилиги билан шуғулланди. Бу ерларда у «Ёрла охун» номи билан машҳур бўлди. 30-йилларнинг бошларида ўз қишлоғига қайтиб, колхозда ишлай бошлади. Шу билан бирга бутун умри давомида Зомин ва унинг атрофларида достончилик билан шуғулланди.

Ёрлақаб Бекназар ўғлининг репертуари ғоятда бой ва ранг-баранг. У «Дўмбирам», «Нима айтай», «Гўрўғлининг ҳасрати», «Ошиқлар ҳақида» каби анъанавий термалардан тортиб, халқ эпосининг турли жанрдаги ажойиб намуналарини қуйлаб келган. Ўзи ҳам даврнинг муҳим воқеаларини тасвирловчи бадиий баркамол термалар яратган улкан санъаткордир.

Ёрлақаб шоир: «Илмсиз кексаман, яшаб етмиш йил, Кўпиқ айтиб эл орзусин қуйладим», — дейди бир термасида. Чиндан ҳам унинг бутун достончилик фаолияти ва ижодида халқимизнинг орзусини қуйлаш, армонларини тасвирлаш асосий ўрин тутади. Чунки шоир эътиқодича, инсон доим орзу билан яшаши, бугунидан эртасининг яхшироқ бўлишига ҳаракат қилиши, ўзини доим мукаммаллаштириб бориши зарур.

Шоирнинг замонавий мавзуларга бағишланган термаларида, яъни «ўз» асарларида фольклорнинг анъанавий бадиий усуллари етакчилик қилади. Шоир металлургларнинг шаҳри Бекобод ҳақида куйлайдими, уруш мавзуида терма айтадими, ўз қишлоғи мақтовини баён этадими — ҳеч маҳал фольклордан узоқлашмайди. Шунинг учун ҳам унинг ижодида анъанавий фольклор услуби билан шоирнинг янги бадиий топилдиқлари шу даражада уйғунлашиб кеттанки, бандлардаги қай мисралар анъанавий, қайсилари шоир ижоди эканлигини сезмай қоласиз.

Ёрлақаб бахши «Алпомиш», «Кунтуғилиши», «Муродхон», «Рустамхон», «Ширин билан Шакар», «Чорёр», «Гўрўғлининг туғилиши», «Ҳасанхон», «Авазхон», «Интизор», «Малика айёр» каби йигирмадан ортиқ халқ достонларини маромига келтириб куйлаган достончи эди. Аммо у фольклоршуносларга анча кеч, кексайиб қолган вақтида маълум бўлди. У 1959 йилдаги фольклор экспедицияси даврида аниқланди. Бу пайтда шоир 71 ёшда эди. Ўша йилнинг ноябрь-декабрь ойларида Ҳоди Зариф шоирни Тошкентга олиб келиб, Ўзбекистон телевиденниесида чиқишини ташкил этди. Унда шоир ярим соат давомида «Алпомиш» достонидан парчалар куйлади. Таъбир жоиз бўлса эслатиб қўяйлик. Ёрлақаб шоир Ўзбекистон телевиденниеси орқали достонлардан парчалар куйлаган биринчи бахшидир. Ўшанда бутун ўзбек эли мамлакатимизнинг кўпгина жойларида унутилиб кеттан халқ санъатининг жонли ижросини кўришга муяссар бўлган эди.

Ёрлақаб Бекназар ўғли репертуарининг жуда оз қисми ёзиб олинган. Фольклоршунослардан М. Афзалов ва М. Саидовлар «Чорёр» достонини, Т. Очилов «Малика айёр»ни, «Алпомиш» достонидан парча ва бир неча термаларни, ушбу сатрлар муаллифи яна икки термани ёзиб олганлар, холос. Энди бунга ачиниш фойдасиз. Шунинг учун ундан ёзиб олинган асарларни ўрганиб, лозим бўлганларини нашр этиш тадорикини кўриш зарур. Шу бор материалларнинг ўзи ҳам Ёрлақаб бахшини йирик достончи, улкан бадиий сиймо сифатида баҳолашга тўла имкон бера олади. Қуйида эълон қилинаётган термалар ва достонлардан парчаларни ўқиб, бунга ўзингиз ҳам ишонч ҳосил қилишингиз мумкин.

Тўра МИРЗАЕВ,
филология фанлари доктори, профессор.



СУРАТДА: фольклоршунос Мансур Афзалов Ёрлақаб Бекназар ўғлидан «Чорёр» достонини ёзиб олмоқда. 1959 йил.

БИЗНИНГ ЭЛЛАР

Бизнинг эллар шундай элдир,
Ёз бўлар анинг қишлари,
Боғларини боғбон кўрир,
Сермевадир оғочлари.
Қарилари уйда ётар,
Қизу жувон мажлис тутар,
Йигитлари запоқ отар,
Завқу сафодир ишлари.
Бизнинг элнинг бувишлари,
Пахта ичинда юришлари,
Ҳавас билан бул ўйнашиб,
Оқ олтиндир теришлари.
Оёғинда бордир анинг
Хиром этик, ковушлари,
Чошкачилик йўлга кетар
Ҳови деган товушлари,
Йигитига хўб ярашар
Жувонининг кулишлари...
Зумрад билан лаълу гавҳар
Тоғимнинг талғир тошлари...

ГЎРЎҒЛИНИНГ ҲАСРАТИ

Муна тоғда бўктарилган қор эдим,
Очқаб келсам нор тайлоқни ер эдим,
Тоғу тошга оч бўридай доридим,
Юз ўн тўртга кирдим, бу йил қаридим,
Қаримасам мен ҳам сенча бор эдим,
Ҳозирликда бир туёққа зор эдим,
Ҳасрато, бефарзанд ўтган кунларим.

Бул қаторда гуркираган нор эдим,
Нонуштага чори қўйни ер эдим,
Соқолим оқарди, бу йил қаридим,
Қаримасам мен ҳам сенча бор эдим,
Ҳозирликда бир тирноққа зор эдим,
Ҳасрато, бефарзанд ўтган кунларим.

Бефарзандлик асар қилди бошима,
Қарға-қузғун уялади лошима,
Ҳасрато, бефарзанд ўтган кунларим.

Отам берган насиҳатин олмадим,
Энам берган насиҳатин олмадим,
Паридан ўзғага назар солмадим,
Куйгур дунё барча қулни алдади,
Ўлар чоқда бир армоним шул эди,
Бир фарзандни талпинтириб олмадим,
Ҳасрато, бефарзанд ўтган кунларим.

Ҳай, Гўрўғли бўлдинг ночор,
Ночорлардан давлат қочар,

Ҳай, Гўрўғли бўлманг шайдо,
Ўғил-қиздан нима фойда?
Эсонликда сўйлатайин тилимди,
Банда бўлсанг, бўйнингга ол ўлимди.
Бандасан, хабаринг йўқдир ўлимдан,
То ўлгунча калма айтгин тилингдан,
Ҳеч фойда йўқ қизинг билан улингдан,
Гўр азобин ўзинг тортган кунларинг.

Мард йигитнинг минган оти қизилди,
Ярашиқа қуйруқ-ёли узунди,
Қазо етиб ўлиб кетсам Чамбилда,
Ҳасрато, Чамбилим менинг бузилди,
Ҳасрато, бефарзанд ўтган кунларим.

Мард йигитнинг минган оти қоради,
Ярашиқа қуйруқ-ёлин таради,
Чамбил элнинг айланаси қояди,
Ўзим ўлсам, давлат бошдан тояди,
Парвардигор биздан фарзанд аяди,
Қазо етиб ўлиб кетсам Чамбилда,
Эндиги гал эсиз Чамбил зояди,
Ҳасрато, бефарзанд ўтган кунларим.

Гўрўғлиман, ботирликда миним йўқ,
Олдимда ҳам, ортимда ҳам иним йўқ,
То ўлгунча мен шўрлида тиним йўқ,
Қазо етиб ўлиб кетсам Чамбилда,
Отамлаб бошимда турар улим йўқ,
Ўғил тугул бул сиртимда қизим йўқ,
Ҳасрато, бефарзанд ўтган кунларим.

Эй, беклар, чопардан армон қолмади,
Ёвмит элнинг ўн тўрт яшар нозини
Эй, дўстлар, ўпардан армон қолмади,
Ўлар чоқда бир армоним шул эди,
Бул ортимда бирор зурёд қолмади.
Ё улдир, ё қиздир — фарзанд, оғайин,
Вой отамлаб бул ортимда қолмади,
Бу Чамбилим бир эгали бўлмади,
Ҳасрато, бефарзанд ўтган кунларим.

СУРАТДА: Ёрлақаб Бекназар ўғли (ўртада) достон куйламоқда. Чапдан ўнгга тил ва адабиёт институтининг собиқ ходимлари: Ш. Носиров, Д. Абдураҳмонов, М. Саидов, М. Афзалов, Ҳоди Зариф, А. Ишаевлар. 1959 йил.

Даргоҳида мен йиғлайман сарғайиб,
Кун-кундан аламим бошга улғайиб,
Қазо етиб ўлиб кетсам Чамбилда,
Ким келар отамлаб менга мунғайиб,
Ҳасрато, Чамбилим қолди бесойиб,
Ҳасрато, бефарзанд ўтган кунларим.

Мирқи пўлат, зумрад добул туймадим,
Ёқасин кир қилиб совут киймадим,
Ўлар чоқда бир армоним шул эди,
Бир фарзандни талпинтириб суймадим,
Ҳасрато, бефарзанд ўтган кунларим.

Йиғлаганман етмас Гўрўғли ҳойи,
Бошида қайғуси, ичида войи,
Бепилик ёнмайди чироқнинг мойи,
Боқсангиз от бўлар туркманнинг тойи,
Бефарзанд ўтгандир Чамбилнинг шойи,
Ҳасрато, бефарзанд ўтган кунларим.

Айта берсам кўпдир гапнинг нақили,
Ўн саккизда тўлар қизнинг ақили,
Ярашиғи анинг зулфи-кокили,
Чамбилда шуйтиб ҳам ўтган Гўрўғли,
Охири бефарзанд ўтган шекили,
Ҳасрато, бефарзанд ўтган кунларим.

«МАЛИКА АЙЁР» ДОСТОНИНИНГ ХОТИМАСИ

Оғайинга олтой ўчоқ ўйдириб,
Сўқимига ола бия сўйдириб,
Элу халқти тўйин бериб тўйдириб,
Мулла, хўжа, олимларин жийдириб,
Маликанинг никосини қийдириб,
Гўрўғли муродга етган жойлари,
Гўрўғли мақсадга етган жойлари.

Бул худога йиғлаб қилган нолишти,
Фарзанднинг дардидан тортган койишти,
Энди олиб Маликадай бувишти,
Гўрўғли муродга етган жойлари,
Гўрўғли мақсадга етган жойлари.

Қодир обло эшитгай-да ҳойимди,
Фарзанднинг дардидан тортган войимди,
Энди олиб Маликадай ойимди,
Гўрўғли муродга етган жойлари,
Гўрўғли мақсадга етган жойлари.

Эшитгай-да Гўрўғлининг зорини,
Ярашиққа юзга қўйиб холини,
Энди олиб Маликадай парини,
Гўрўғли муродга етган жойлари,
Гўрўғли мақсадга етган жойлари.

Оғайни, эшитгин, айтаман сўзди,
Қўлимда сўйлатдим доимо созди,
Туркистондан олиб Малика қизди,
Гўрўғли муродга етган жойлари,
Гўрўғли мақсадга етган жойлари.

Гурўғлининг ичи-бағри жўш урди,
Абрашим ипакдай бўлиб эшилди,
Маликаман хон Гўрўғли қўшилди,
Чўт тегмаган пахса девол тешилди,
Гўрўғли муродга етган жойлари,
Гўрўғли мақсадга етган жойлари.

Ўтар дунё ўтарини ўйлади,
Учадиган қарчиғайдай бўйлади,
Бир-бирининг дийдорига тўймади,
Бир-бирини ухлатгани қўймади,
Маликаман тахт устида Гўрўғли
Кеча-кундуз ётиб қаллиқ ўйнади,
Гўрўғли муродга етган жойлари,
Гўрўғли мақсадга етган жойлари.

Муллалар ошиқдир қоғозда хатга,
Хўп муносиб бўнглар аркон давлатга,
Шу сўзимни эшитганлар, оғайин,
Гўрўғлидай бари етсин мақсадга,
Душманлари бўлса, қолсин уятга.

Баҳор куни боғнинг гулин терингглар,
Фони-ё дунёда ўйнаб-кулинглар,
Дунё даврин саломат бўп суринглар,
Кўп йилгача саломат бўп журинглар,

Беш-олти оғиз сўйлаб бердим, оғайин,
Озимизни бизнинг кўпча кўринглар,
Айтган сўзим бул сизларга-эй, ёқса,
Қолганига яна қайтиб келинглар.

«АЛПОМИШ» ДОСТОНИНИНГ БОШЛАНИШИДАН ПАРЧА

Бойсин—Қўнғиротнинг беги Бойбўри билан Бойсари эди. Бойсин—Қўнғиротда бўл иккови ҳам атанган муҳрдор, зўр эди; давлат ободига ҳар кимса бор эди, фарзанд ободига бул иккови ҳам бирор туёққа зор эди. Иккови ҳам кечаю кундуз йиғлаб: «Бизга ҳам бирорта фарзанд берсанг», — деб худодан тилар эди.

Бир кун иккининг хотини ҳам ҳомиладор бўлди. Бойбўри акаси Бойсари укасини чақириб олди. Бойсарига Бойбўри туриб айтди:

— Эй, Бойсари ука, иккимизга ҳам худо берди, иккимизнинг ҳам хотинимиз ҳомиладор бўлди. Энди худо ул берса, иккови ҳам сенинг билан мендай ака-ука. Агар иккови ҳам қиз туғса, опа-сингил. Агар бири ул, бири қиз туғса, иккимиз қуда бўлайлик. Лекин улдир, қиздир, худо иккимизга берса, бир-биримизга суюнчига одам юборайлик, — деб шу маслаҳатни қилиб турди.

Тўққиз ой, тўққиз кун, тўққиз соат ўтди, худонинг муҳлати битди. Худо Бойбўрига битта ул берди. Бойсарига суюнчига одам юбориб эди, Бойсарининг ўн тўрт хазина зари бор эди, бисотида бари бор эди. Бир хазинасини олиб қолиб, ўн уч хазинасини суюнчига талатиб юборди. Бир кун Бойсарининг хотинининг ою куни етди, вақти соати битди. Худо ўз қудрати билан даргоҳида Бойсарининг хотинига бир қиз берди. Бойбўрига суюнчига одам жўнатиб эди, бунинг катталигига иккам ўттиз хазина зари бор эди, бисотида бари бор эди. Бир хазинасини олиб қолиб, учкам ўттиз хазинасини суюнчига талатиб юборди.

Бир кун катта-кичик, оби-оқсоқол, кўкама-уламоларни йиғди. — Бизнинг фарзандларга от қўйиб берингизлар, — деди. Шунда катта-кичик, оби-оқсоқоллар, кўкама-уламолар маслаҳат билан Бойбўрининг улининг отини мулла Ҳаким қўйди, Бойсарининг қизининг отини Барчиной қўйди.

Бойбўрининг хотини оқ сут туғиб қўйди, сийнасидан сут чиқмай қолди. Бойбўрининг бир ҳарвона туяси бор эди, ҳарвона туясининг норгина бўтаси бор эди. Ҳарвона туянинг икки елинини мулла Ҳакимга эмдирди, икки елинини ўзининг бўтасига эмдирди. Туянинг сутини эмиб мулла Ҳаким катта бўлди, туянинг сутининг мазасини олиб қолди. Каттарганда ҳам қўймай эмиб юрди. Тўрт яшаринда яшиниб эмди, беш яшаринда писиниб эмди, олти яшаринда қочиб эмди, етти ёшга кирганда, ҳарвона туяни кўтариб, мунадай катта қирдан ошиб эмди. Буни халқ кўриб, алп экан, деб отини Алпомиш кўйди.

Ана Алпомишни муллага берди, ўқиб Алпомиш мулла бўлди, тиллари бурро бўлди. Бир кун Алпомиш ўтириб, китобни очиб қараса: «Молдан закот, хирож чиқармаса, мол ҳаром», — дейилган. Тўртта саркардани Бойсари қайнотасига юборди. — Бор, Бойсари қайнотам молидан закот берсин, — деди. Тўрт саркарда бориб Бойсарига: — Молингиздан закот, хирож чиқарар экансиз, — деди. Анда Бойсарининг аччиғи келиб: — Вой, Бойбўрига ул берганига юртнинг эгаси бўлиб қолибдими, — деб ҳалиги тўрт саркардани уриб-уриб, боши-кўзини ёриб, қизил-ола қонига бўяб юборди. Бул тўртови Алпомишнинг қошига келди.

Алпомиш: — Тағин бориб айтинглар, берсин, — деди. Тўртови борайин деса, Бойсаридан қўрқади, бормайин деса, Алпомишдан қўрқади. Ночор борди. Бориб яна айтиб эди, уриб-уриб: — Бор, Бойбўрига бориб айт. Менинг юртимни, молимни, заримни булиб берсин, бул юртдан кўчиб кетаман, — деди. Ана келиб Бойбўрига айтиб эди, Бойбури қирқ минг уйли қўнғирот, ўн саккиз минг уруғ-элат, бойсин-мойсин билан барини тенг бўлиб берди.

Энди Бойсари бу юртдан кўчиб жўнайдиган бўлди. Кўчиб, тайёр бўлиб турганда, Бойсарининг Барчиной қизи Бойсарига қараб, бир сўз деди:

Боғда очилган тоза гулнинг тарзи бор,
Худойимнинг беш вақт намоз қарзи бор,
Намозининг суннатибор, фарзи бор,
Бу сўзимга қулоқ солгин, отажон,
Мендай азиз сизга айтар арзи бор.

Чачратиб ирғитдинг тулпор тозини,
Йиғлатмагин Барчинойдай қўзини,
Сарғайтмагин бунинг қизил юзини,
Бул ишларга аччиқ қилманг, отажон,
Хон Алпомиш айтган китоб сўзини.

Бул ишнинг бариси ҳақнинг фармони,
Хон Алпомиш Бойсин элнинг полвони,
Бул сўзларга аччиқ қилманг, отажон,
Китобнинг сўзининг бўлмас ёлғони.
Закот билан хирожини сен берсанг,
Ўғри олиб, молинг бўри емайди,
Закот бўлар бул молингнинг қурбони.

Бир коса май ичиб бўлдинг бегона,
Ақлингни билмайсан дали-девона,
Закот бермай бул молингдан, отажон,
Қайси юртга сен бўласан равона.

БОЙСАРИ:
Ранг-баранг очилган қизил лоласан.
Етти яшар сен Барчиной боласан,
Худоё, жувормак ўлгин, Барчиной,
Алпон эринг тарафини оласан.

Сен қулоқ сол Сарибойнинг ҳойига,
Жувормак ўл, Барчинойдай ойим-а,
Аралашма менинг йиққан молима,
Худоё, жувормак ўлгир, Барчиной,
Бориб ўтир Алпомишнинг уйига.

Булбул учган боғда очилган лолангдан,
Мени бузди элу юрту хонамдан,
Худоё, жувормак ўлгир, Барчиной,
Мен кечаман сендай қурғур боламдан.

Энди Барчиной шўрли нима дерини билмай, Бойсари билан қўшилиб жўнай берди. Бойсари Бойсин-Қўнғиротдан олган юртини олиб, энди Бойсин-Қўнғиротдан йўл тортиб, кеча-кундуз тенг тортиб, жўнай берди. Саксон беш кун йўл тортиб, кеча-кундуз тенг тортиб, Кашал деган шаҳарнинг четига борди. Бир тўқайзаминга тушиб, чодир-чаманини шу ерга тикиб, Бойсари шу ерда ёта берди.

Кашал шаҳрининг Тойчихон деган подшоси бор эди. Кашал элинда қирқта камбағал қирқ ботмон ғаллани кўтариб олиб, экиш қилиб эди. Бунинг олди битта-яримтаси бош тортиб, бувазак[1] бўлиб турган вақтинда Бойсарининг битта-яримга қочқинчи моли тушиб, чангини осмонга чиқариб юборди. Бир кун қирқ камбағал буғдойни кўрайин, деб келса, буғдойнинг чанги осмонга чиқиб кетибди. Ана энди қирқта камбағал ҳайрон бўлиб, тўртта-бешта қизлар булоқдан сув олиб туриб эди, қизларнинг қошига бурилиб борди:

Дев-парини бандга олган Сулаймон,
Биз куйганмиз, бул қошингда жилайман,
Бул булоқдан сув об турган, қизларжон,
Кўчмадарнинг соҳиби ким, сўрайман.
Буғдойнинг бўғин тортиб туриши.

Майдонда панд берар отнинг майиби,
Худо қози, пайғамбарлар нойиби,
Сўраганнинг ҳеч бўлмайди айиби,
Бул булоқдан сув об турган, қизларжон,
Ким бўлади кўчманчининг сойиби?

Чаманда очилган боғнинг лоласи,
Топилмайди чиққан жоннинг давоси,
Бул булоқдан сув об турган, қизларжон,
Ким бўлади кўчман элнинг эгаси?
ҚИЗЛАР:
Дўмбирамнинг алвон-алвон гўйи бор,
Бир белгиси тўқсон тўқай кўйи бор,
Бир белгиси нуқра бахмал уйи бор,
Бир белгиси етти қамиш чийи бор,
Бир белгиси ой Барчиндай қизи бор,
Бойсин элдан бир бой кўчди, билдингми,
Кўчманчининг шоҳин сўрсанг Сарибой.

Баҳорда чиқмайми ернинг гиёси,
Дардли кулининг ошдай қайнар мияси,
Ёмон одам бошга урсин кияси,
Сарибойдир кўчман элнинг эгаси.

Қирқ камбағал бу қизлардан Сарибойни эшитиб, қирқови ҳам Сарибой турган уйга жўнади. Сарибойнинг уйига кириб борса, Сарибой уйқуда ётибди. Сарибойга камбағаллар бир сўз қилди:

Далбай келса, талпинади қарчиғай,
Бошимизга тушди энди қайғу-вой,
Бул кўтариб экиб эдик биз бувдой,
Ул буғдойни еб қўйибди молинг-ай,
Оч кўзингни, бошинг кўтар, Сарибой.

Олтин абзал, кумуш бўлар чегаси,
Олло бўлсин мард йигитнинг паноси,
Оч кўзингни, бошинг кўтар, Сарибой,
Сен бўласан кўчман элнинг эгаси.

Қирқ камбағал зор-зор инграб жилайди,
Сарибойнинг қулоғига кирмайди,
Камбағални назарига илмайди,
Бул Сарибой ул ўрнидан турмайди.

Баланд тоғни босган оқча қор эди,
Қарчиғайни ғариб этган тўр эди,
Сарибойни уйғотмоққа зор эди,
Бул Сарибой назарига илмади,
Бирининг ёнида бигиз бор эди.

Кашал элнинг айланаси қояди (р),
Зироатга ичи куйиб боради,
Сарибой сонига бигиз тояди,
Уйқусираб бул бағрига жияди,
Кўзин очмай энди бир сўз қилади:

—От чопса гумбурлар тоғнинг дараси,
Ҳар ерда куйсин-да душман хонаси,
Киш-ҳа дейман, ухлатгани қўймадинг,
Тўқайнинг беадаб ўсган сўнаси.

Дарёда тўлқиниб, шамолдай эш-а,
Булутдай чирпиниб, сувдайин тош-а,
Ухлатгани кўясанми, қўймайсан,
Тўқайда ўсгани беадаб пашша.

Пашша, сўна дейди, сира турмайди,
Камбағални назарига илмайди.
Ўлдик дейди, камбағаллар тиғлади,
Зироатга ичи куйиб боради,
Бирининг ёнида бордир пичоғи,
Пичоқдолиб бул сонига солади.

Пичоқ солса Сарибойнинг сонига,
Сарибой ўрнидан сакраб туради,
Қирқ камбағал бул осилиб қолади,
Қирқ камбағал ўртага об йиқитиб,
Сарибойни кўтариб об жўнади.

Қирқ камбағал Сарибойни йиқитиб, кўтариб олиб, Тойчихоннинг олдига қараб жўнади...

Ёзиб олувчи: Темир ОЧИЛОВ.

1 — *Буғдойнинг бўғин тортиб туриши.*

ҲАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР

ДУШАНБА, 2

ЎзТВ I

17.55 Курсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Аралаш». Болалар учун ҳажвий киножурнал.
18.25 Тўхтасин Жалилов номидаги халқ чолғу оркестрининг концерти.
18.55 Эълонлар.
19.00 «Ахборот» (рус тилида).
19.20 Эълонлар.
19.25 Футбол шарҳи.
19.40 «Шарққа ошифта шоир». Сергей Есенин таваллудининг 100 йиллигига.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Бокс. Осиё чемпионати.
21.40 ЎзТВ хазинасидан. Ўткир Ҳошимов. «Дунёнинг ишлари». Телеспектакль. 1-қисм.
23.00 Эълонлар.
23.05—23.30 «Ахборот».

ЎзТВ II

«Тошкент» студияси таништиради:

18.30 «Ўзим ҳақимда...».
19.00 «Жонли тил».
20.00 «Тет-а-Тет».
20.20 «Фильмлар ва тақдирлар». Кинокўрсатув (рус тилида).
21.10 Мусиқий танаффус.
21.40—23.10 «Кинематограф».

ЎзТВ III

РОССИЯ ЖАМОАТЧИЛИК ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
18.00—21.45
* * *
РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
22.35—00.30

ЎзТВ IV

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.
*
19.40 «Мульткарусель».

«ОМАД» таништиради:

19.55 Эълонлар.
20.00 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.50 «Спорт саҳифалари».
21.00 Бокс. Осиё чемпионати.
21.40 ЎзТВ хазинасидан. Ўткир Ҳошимов. «Дунёнинг ишлари». Телеспектакль. 1-қисм.
23.00 Эълонлар.
23.05—23.30 «Ахборот».

ЎзТВ II

«ОМАД» таништиради:

18.30 «Мультфейерверк».
18.45 «Табиат дунёси».
19.35 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
19.55 «Тропиканка». Телесериал (Бразилия).
20.45 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
21.10 «Видеогид».
21.30 «Теле-ателье-шоу».
21.40 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
22.20—24.00 «Кинонигоҳ».

ЎзТВ III

РОССИЯ ЖАМОАТЧИЛИК ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
7.30—9.00
* * *
18.00—21.45
* * *
РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
22.40—00.40

ЎзТВ IV

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.
*
19.40 «Мульткарусель».
19.55 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари.
20.15 «Актёрлар куйлаганда». Кинокончерт.
20.55 «Дурдаршан» телекомпаниясининг курсатувлари.
21.55 «Жаҳон ва биз».
22.40 — 23.40 «Соккер-клуб». Футбол шарҳи.

ЧОРШАНБА, 4

ЎзТВ I

7.00—9.00 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
9.00 ЎзТВ хазинасидан. Ўткир Ҳошимов. «Дунёнинг ишлари». Телеспектакль. 2-қисм.
10.20 Инглиз тили.
10.50 «Ёшлик» студияси. «Фахрийлар — фахримиз».
11.30 Ўқув курсатуви. Кимё.
12.00 Алифбо сабоқлари.
12.30 «Кичкинтой» устахонаси.
13.05—15.05 «Биз танлаган йўл». Видеоканал.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 Мультфильм.
18.25 «Хотира». Ўзбекистон халқ артисти Отажон Худойшукуров.
18.55 Эълонлар.
19.00 «Ахборот» (рус тилида).
19.20 Эълонлар.
19.25 Спорт хабарномаси.
19.35 «Вақт — ҳакам». Публицистик кўрсатув.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Бокс. Осиё чемпионати.
21.40 Ўзбекистон Давлат телерадиокомпанияси дуторчилар ансамблининг концерти.
22.20 «Тўйлар муборак». Бадиий фильм.
23.25 Эълонлар.
23.30—23.55 «Ахборот».

ЎзТВ II

«Тошкент» студияси таништиради:

18.30 «Ўзим ҳақимда...».
19.00 «Жонли тил».
20.00 «Тет-а-Тет».
20.20 «Фильмлар ва тақдирлар». Кинокўрсатув (рус тилида).
21.10 Мусиқий танаффус.
21.40—23.10 «Кинематограф».

ЎзТВ III

РОССИЯ ЖАМОАТЧИЛИК ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
7.30—9.00
* * *
18.00—21.45
* * *
РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
22.40—01.20

ЎзТВ IV

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.
*
19.40 «Мульткарусель».

«ОМАД» таништиради:

19.55 Эълонлар.
20.00 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.50 — 23.50 «СПОРТ ҚИТЪАСИ».

ПАЙШАНБА, 5

ЎзТВ I

7.00—9.00 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
9.00 «Ёшлик» студияси. «Тафаккур».
9.40 «Илҳом мавжлари». Ҳосият Бобомуродова.
10.00 «Сиҳат-саломатлик» почтасидан.
10.30 Ўқув кўрсатуви. Давлат ва ҳуқуқ асослари.
11.00 «Болалар меҳмонхонаси».
11.30 Ўқув кўрсатуви. Умумий биология.
12.00 Чолғу куйларидан концерт.
12.30—14.00 Бокс. Осиё чемпионати. «Алпомиш» спорт саройидан олиб кўрсатилади.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Ўзбек киносининг барҳаёт саҳифалари».
*
18.55 Эълонлар.
19.00 «Ахборот» (рус тилида).
19.20 Эълонлар.
19.25 «Нон таъми».
19.50 «Юзма-юз».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Бокс. Осиё чемпионати.
21.40 «Ёд этарман». Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Фотима Баротова.
22.15 «Товон тўлов». Бадиий фильм.
23.40 Эълонлар.
23.45—00.10 «Ахборот».

ЎзТВ II

«ОМАД» таништиради:

18.30 «Омад» тақвими.
18.35 «Кунгил».
18.40 «Муҳаббатга ошно қалблар».
19.00 «Ишингиз бароридан келсин!».
19.10 «Теле-ателье-шоу».
19.20 Видео янгиликлари.
19.40 «Тропиканка». Телесериал (Бразилия).
20.30 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
21.15—22.55 «Кинонигоҳ».

ЎзТВ III

РОССИЯ ЖАМОАТЧИЛИК ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
7.30—9.00
* * *
18.00—21.45
* * *
РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
22.40—00.25

ЎзТВ IV

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.
*
19.40 «Мульткарусель».
19.55 «Замандас» (қозоқ тилида).
20.45 «Дурдаршан» телекомпаниясининг курсатувлари.
21.45 «Юксак мақсадлар йўлида».
22.10 — 22.50 «Қалбим қўри».

ЖУМА, 6

ЎзТВ I

7.00—9.00 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
9.00 «Савоя»нинг ўгирланиши». Бадиий фильм.
10.30 Ўқув кўрсатуви. Физика.
11.00 Немис тили.
11.30 Ўқув кўрсатуви. Математика.
12.00 «Кашф этилаётган имкониятлар».
12.30 «Ёшлик» студияси. «Мўъжизалар оламида».
13.00—14.30 Бокс. Осиё чемпионати. «Алпомиш» Спорт саройидан олиб кўрсатилади.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Ўзбек киносининг барҳаёт саҳифалари».
*
18.55 Эълонлар.
19.00 «Ахборот» (рус тилида).
19.20 Эълонлар.
19.25 «Ҳаракатда баракат».
19.40 «Инсон ва қонун».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Бокс. Осиё чемпионати.
21.40 Мумтоз мусиқа кечаси.
22.20 Олтин мерос. «Олим Ҳўжаев». Таваллудининг 85 йиллигига.
23.10 Эълонлар.
23.15—23.40 «Ахборот».

ЎзТВ II

«Тошкент» студияси таништиради:

18.30 «Ўтмишсиз келажак йўқ».
19.00 «Параллель».
19.30 «Кўнгил қолма муҳаббатдан». Фильм-концерт.
19.50 «Экология ва ҳаёт».
20.20 «5+1».
20.50 «Шоҳсупа сари» (рус тилида).
21.20—22.40 «Жаҳон мусиқаси дурдоналари». Жузеппе Верди. «Трубадур» операси.

ЎзТВ III

РОССИЯ ЖАМОАТЧИЛИК ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
7.30—9.00
* * *
18.00—21.45
* * *
РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
22.40—02.10

ЎзТВ IV

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.
*
19.40 «Мульткарусель».

«ОМАД» таништиради:

19.55 Эълонлар.
20.00 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.50 «Кулгига нима етсин!».
21.15 Эълонлар.
21.20 «Даракчи».
21.30 Эълонлар.
21.35 — 23.15 Видео—«О».

ШАНБА, 7

ЎзТВ I

7.00—9.00 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
9.00 «Санъат гунчалари».
9.30 Комил Аваз. «Жаббу — жўжакнинг ҳийласи». Огаҳий номидаги Хоразм вилоят театрининг спектакли.
11.10 «Дўстлик чечаклари». Рўзи Қодирий таваллудининг 70 йиллигига.
11.40 «Қушигимдасан, Ватан». Мусиқий композиция.
12.15 «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи» почтасидан.
13.15 «Истеъдод қирралари».
13.55—14.25 «Оила».
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бўталоқ». Республика Қўғирчоқ театрининг спектакли.
18.45 Спорт хабарномаси.
18.55 Эълонлар.
19.00 «Ахборот» (рус тилида).
19.20 Эълонлар.
19.25 «Оламга саёҳат». Кинокўрсатув.
20.00 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Бокс. Осиё чемпионати. Ярим финал.
22.00 «Сурнай навоси». Видеофильм.
22.45 «Тунги ёғду». Дам олиш кинодастури.

ЎзТВ II

«ОМАД» таништиради:

9.00 «Мультфейерверк».
9.15 «Табиат дунёси».
10.05 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
10.25 «Тропиканка». Телесериал (Бразилия).
11.15 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
11.40 «Видеогид».
12.00 «Теле-ателье-шоу».
12.10 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
12.50 «Кинонигоҳ».
14.30—18.30 «СПОРТ ҚИТЪАСИ».
*

«Тошкент» студияси таништиради:

18.30 Болалар учун. «Табассум».
19.00 «Антенна».
19.30 «Пульс». Хабарлар.
20.00 «Оқ соя».
20.30—22.30 «Кинематограф».

ЎзТВ III

РОССИЯ ЖАМОАТЧИЛИК ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
18.00—21.45
* * *
РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
22,35—00.15

ЎзТВ IV

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

10.00 «Безнен мирас» (татар тилида).
10.40 «Қора чайка». Болалар учун фильм.
12.15 «Ширу-шакар».
13.00 — 13.20 «Булоқлар кўз очганда».
***
18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.
*
19.40 «Мульткарусель».
19.55 «Мамлакатлар, воқеалар, одамлар».
20.20 «Би-Би-Си» янгиликлари.
20.30 «Монитор-Осиё».
21.15 «М» — хабар.
21.25 «Хушчақчақ суҳбат».
22.05 «Бу ажиб дунё».
22.25 «Интердиалог».
23.05 — 23.15 «Си-Эн-Эн» янгиликлари.

ЯКШАНБА, 8

ЎзТВ I

7.00—9.00 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
9.00 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
10.00 «Ёшлик» студияси. «Ватаним-га хизмат қиламан».
11.00 «Хотира». Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Рихсивой Орифжонов.
11.50 «Шоҳрўҳ» клуби.
12.20 «Қушиқларим сизга армуғон».
12.50 Бокс. Осиё чемпионати. «Алпомиш» спорт саройидан олиб кўрсатилади.
13.50 «Цирк! Цирк! Цирк!».
14.35—15.05 «Халқ ижодиёти».
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Томоша» ахбороти.
18.15 «Болалар — гуллолалар».
18.35 «Ойнаи жаҳонда...».
18.55 Эълонлар.
19.00 «Панорама» (рус тилида).
19.30 Эълонлар.
19.35 «Шарқ тароналари». Индонезия ва Ўзбекистон санъат усталарининг концерти. «Туркистон» саройидан ёзиб олинган.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ҳафтанома».
21.30 Эълонлар.
21.05 Бокс. Осиё чемпионати. Финал.
22.05 Бир жуфт қўшиқ.
22.15 Футбол. Олимпиада ўйинларининг саралаш турнири. Қозоғистон — Ўзбекистон терма командалари.
23.05 Эълонлар.
23.10—23.40 «Ҳафтанома».

ЎзТВ II

«ОМАД» таништиради:

10.00 «Омад» тақвими.
10.05 «Кунгил».
10.10 «Муҳаббатга ошно қалблар».
10.30 «Ишингиз бароридан келсин!».
10.40 «Теле-ателье-шоу».
10.50 Видео янгиликлари.
11.10 «Тропиканка». Телесериал (Бразилия).
12.00 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
12.45—14.25 «Кинонигоҳ».
* * *
17.00 «Совға».
17.30 «Жаҳон географияси».
18.20 Эълонлар.
18.25 Видео—«О».
20.05 Эълонлар.
20.10 «Курьер».
20.30 «...яна об-ҳаво ҳақида».
20.40 «Постфактум».
20.50 «Кулгига нима етсин!».
21.15 «Автосалон».
21.35 «Америка юлдузлари».
22.05 Эълонлар.
22.10 «Даракчи».
22.20 Эълонлар.
22.25—00.05 Видео—«О».

ЎзТВ III

РОССИЯ ЖАМОАТЧИЛИК ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
18.00—22.45
* * *
РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
22.45—02.05

ЎзТВ IV

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

9.00 «Эй! Тонгингиз хайрли бўлсин!». Мультфильм.
9.30 «Жонли сайёра».
10.00 «Менинг кўчам».
10.15 «Коллекция».
10.35 «Эртакларнинг сеҳрли олами».
12.05 — 12.15 Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
***
18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.
*
19.40 «Мамлакатлар, воқеалар, одамлар».
20.25 «Дурдаршан» телекомпаниясининг курсатувлари.
21.05 «Чинсэн».
21.55 «Би-Би-Си» янгиликлари.
22.05 «Кинотриада».
23.05 «Си-Эн-Эн» янгиликлари.
23.15 — 23.35 «Бу ажиб дунё».

HUBERT HUMPHREY FELLOWSHIP PROGRAM FOR 1996 -1997 ACADEMIC YEAR

THE EMBASSY OF THE UNITED STATES OF AMERICA (USIS TASHKENT) ANNOUNCES THE HUBERT HUMPHREY FELLOWSHIP PROGRAM FOR THE 1996 - 1997 ACADEMIC YEAR.
WINNERS OF THE HUBERT HUMPHREY FELLOWSHIPS WILL TRAVEL TO THE UNITED STATES FOR A YEAR OF ACADEMIC AND PROFESSIONAL WORK.
HUMPHREY FELLOWSHIP APPLICANTS SHOULD BE MID-CAREER PROFESSIONALS IN LEADERSHIP POSITIONS WHO
HAVE THE REQUIRED EXPERIENCE / SKILLS AND WHO POSSESS POTENTIAL FOR ADVANCEMENT IN THEIR PROFESSIONS.FELLOWS SHOULD BE POLICY - RATHER THAN RESEARCH - OR TECHNICALLY ORIENTED, WITH A MINIMUM PROFESSIONAL EXPERIENCE OF FIVE YEARS.
PARTICIPANTS FROM ALL REGIONS OF THE COUNTRY ARE WELCOME TO APPLY.
FELLOWSHIPS ARE GRANTED COMPETITIVELY TO PUBLIC - AND PRIVATE-SECTOR CANDIDATES WITH A COMMITMENT TO PUBLIC SERVICE IN THE FIELDS OF:

AGRICULTURAL DEVELOPMENT,
COMMUNICATION/JOURNALISM,
EDUCATIONAL PLANNING,
NATURAL RESOURCES/ENVIRONMENT,
PUBLIC HEALTH POLICY/ MANAGEMENT,
HUMAN RESOURCE MANAGEMENT,
PUBLIC ADMINISTRATION,
TECHNOLOGY POLICY,
ECONOMIC DEVELOPMENT,
URBAN AND REGIONAL PLANNING,
FINANSE AND BANKING,
DRUG ABUSE RESEARCH.

APPLICANTS ARE ASKED TO COMPLETE A COPY OF THE FORM AVALLABLE AT AMERICAN EMBASSY (CHILANZARSKAYA UL., 82, 700115, TASHKENT, UZBEKISTAN; TEL.: (3712) 77-14-07, 77-11-32).
THE APPLICATION FORM MUST BE RETURNED TO THE EMBASSY NO LATER THAN OCTOBER 25, 1995.
THE STRONG CANDIDATES WILL BE INVITED TO ENGLISH LANGUAGE TESTING ON OCTOBER 30, 1995, AND AT THIS TIME OF PRELIMINARY SELECTION MUST HAVE A SCORE FROM THE TEST OF ENGLISH LANGUAGE PROFICIENCY (TELP) NO LOWER THAN 500.
RESULTS OF THE COMPETITION WILL BE CONVEYED TO WINNERS BY MID-MARCH 1996.

VISITING FULBRIGHT SCHOLAR PROGRAM FOR 1996 -1997 ACADEMIC YEAR

THE EMBASSY OF THE UNITED STATES OF AMERICA (USIS TASHKENT) ANNOUNCES THE VISITING FULBRIGHT SCHOLAR PROGRAM FOR THE 1996-1997 ACADEMIC YEAR.
THE OBJECTIVE OF THE FULBRIGHT PROGRAM IS TO PROVIDE EDUCATIONAL EXCHANGE EXPERIENCE THAT SHOULD ALSO BE OF INTRINSIC VALUE TO THE RECIPIENT'S HOME INSTITUTION, ITS FACULTY, AND ITS STUDENTS.
GRANTS ARE MADE FOR A VARIETY OF SPECIALTIES, PRIMARILY IN ADVANCED RESEARCH AND UNIVERSITY LECTURING, AND ARE AWARDED FOR A PERIOD OF TWO TO TWELVE MONTHS.
TO BE ELIGIBLE FOR A RESEARCH AWARD, ONE MUST HAVE THE FOLLOWING QUALIFICATIONS: CITIZENSHIP OR PERMANENT RESIDENT STATUS IN UZBEKISTAN, A DOCTORATE OR EQUIVALENT PROFESSIONAL QUALIFICATIONS AT THE TIME OF APPLICATION, ENGLISH LANGUAGE PROFICIENCY, AND GOOD HEALTH.
APPLICANTS ARE ASKED TO COMPLETE A COPY OF THE FORM AVAILABLE AT THE AMERICAN EMBASSY (CHILANZARSKAYA UL., 82, TASHKENT, UZBEKISTAN - 700115; TEL.: (3712) 77-14-07, 77-11-32).
THE APPLICATION FORMS MUST BE RETURNED TO THE EMBASSY NO LATER THAN NOVEMBER 15, 1995.
THE PRELIMINARY SELECTED CANDIDATES WILL BE INVITED FOR INTERVIEWS. THE CANDIDATES FINALLY SELECTED IN THE USA WILL BE NOTIFIED LATER.

ТАШКИЛОТ
майда ва улгуржисига қуйидагиларни СОТАДИ

- *макарон маҳсулотлари тайёрлайдиган машиналар,*
- *кичик тегирмонлар,*
- *ГАЗ 31029 (янги),*
- *"ГАЗЕЛЬ",*
- *КамАЗ 5320,*
- *" Вольво "940, 850,*
- *Аёлларнинг қишки колготкалари,*
- *Чақалоқлар учун комплектлар*

Ҳақ тўлаш—исталган шаклда
Телефонлар: (3712) 34-00-98, 35-32-81, 35-22-66.

КВАНТ — ГЛОБАЛ —
янги имкониятлардаги авиасервис

Тошкентда МДҲнинг ҳамма шаҳарлари, Россия авиакомпаниясининг барча рейсларига авиачипталарни сотиш кассалари очилди.

КВАНТ — ГЛОБАЛ —
Домодедово бирлашмасининг ваколатхонаси ва Россия ҳаво йўллари бош агентлиги.
Тел: 33-29-49.

ЭНГ САРА ВА АРЗОН

"ХАРУША-МАЮР ЛТД"
қўшма корхонаси

HARUSHA MAYUR LTD

Тошкентдаги омбордан Германияда ишлаб чиқарилган
PC/AT GX 486 DX40
шахсий компьютерларини
ТАКЛИФ ЭТАДИ.

ШОШИЛИНГ, УЛАР 386 SX 33 КОМПЬЮТЕРИ БАҲОСИДА СОТИЛМОҚДА.

Мурожаат учун манзил:
Тошкент шаҳри, Новомосковский кўчаси, 23-А уй.
Телефонлар: (3712) 67-66-08, 67-69-94.

«Муштум» журнали жамоаси фарғоналик машҳур қизиқчи
Муҳиддин ДАРВЕШОВнинг
оғир касалликдан сўнг вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик изҳор қилади.

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Бош муҳаррир: Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати:
Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб), Аслиддин БОЛИЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ислом ШОҒУЛОМОВ, Хайрулла ЖЎРАЕВ, Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

БЎЛИМЛАР:

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 33-20-36, 36-54-35.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 36-26-70, 36-57-19.
Иқтисодиёт — 33-21-43, 36-57-22.
Фан ва маданият — 33-07-20, 36-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 33-76-04, 36-54-06.
Ахборот ва спорт — 33-12-56, 36-55-16.
Халқаро ҳаёт — 33-47-80, 33-12-16.
Реклама ва эълонлар — 33-38-55, 36-54-12.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Андижонда -- 5-27-11; Бухорода -- 3-54-87; Гулистонда -- 2-26-22; Жиззахда -- 3-31-86; Навоийда -- 3-75-43; Наманганда --6-43-43; Нукусда -- 7-58-83; Самарқандда -- 35-22-90; Тошкентда-- 33-54-55; Урганчда -- 6-51-35; Фарғонада -- 26-37-16; Қаршида -- 3-25-79; Қумқўрғонда -- 5-26-24.



МАНЗИЛИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

· Рўйхатдан ўтиш тартиби №00 120. · Газета офсет усулида А--2 форматида босилади. · Ҳажми 2 босма табоқ. · Г -- 0382.

Навбатчи муҳаррир А. РЎЗИЕВ, навбатчи А. ПЎЛАТОВ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти -- 21.00. Топширилди -- 21.00.

1 2 3 4 5 6.